# O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan e-mail: uzas@b2c.uz 2012-yil 21-sentabr • №38 (4177)


## ЁРУҒ КЕЛАЖАККА
### ИШОНЧ БИЛАН ЯШАЁТГАН ХАЛҚМИЗ

**Кўпни кўрган кўҳна дунёнинг нигоҳи теран, назари ўткир. Одамлар манфаатига дахлдор, моҳиятида эзгулик, тинчлик ва фаровонликни таъминлашга интилиш мужассам бўлган янгиликларни тез илғайди, ўрганади, эътироф этади, қўллаб-қувватлайди.**

Муносабат

«Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва аҳамияти» мавзуидаги халқаро конференция ана шундай эътирофнинг ёрқин намойиши бўлди. Иштирокчиларнинг Самарқандга ташрифи нуфузли анжуманнинг мантиқий давомига айланди. Меҳмонлар бу ерлик тадбиркорлар, олим ва мутахассислар билан қизғин мулоқотга киришдилар: тажрибалар, муаммолар ўртага ташланди, ўзаро ҳамкорлик юзасидан кўплаб битимларга эришилди.

Яшириб нима қиламиз, биз йиллар давомида ишбилармонликни хориждан ўргандик. «Қўл етмас соҳа» бўлиб туюлган тармоқларни ўзимизга олиб келдик. Эҳ-ҳе, қанчадан қанча табиий ва сунъий тўсиқларни енгиб ўтишга тўғри келди. Аммо сабр ҳам, ирода ҳам, иштиёқ ҳам топилди. Энг муҳими, бу жараёнда бошқалар йўл қўйган хатоларни такрорламаслик мақсадида, оқилона иш тутиб, кичик бизнес ва ишбилармонликни ривожлантиришнинг мустаҳкам ҳуқуқий асоси яратилди.

Энди жаҳон жамоатчилиги, манаман деган давлатлар ҳам Ўзбекистон тараққиёт моделини келиб ўрганмоқда. Тўғриси, бу ҳолат айримларнинг хаёлига ҳам келмаган эди. Давлатимиз раҳбари халқаро конференцияда бу муваффақиятни алоҳида таъкидлади. Хорижлик нотиқлар эса бунга якдиллик билан қўшилиб, мамлакатдаги тинчлик-осойишталик, барқарорлик, босқичма-босқич ривожланиш, халқнинг меҳнатсеварлиги ҳам соҳа тараққиётига хизмат қилаётганини айтишди.

Меҳмонлар Самарқандга мўъжизавий «Афросиёб» тезюрар поездида келишидаёқ бу кўҳна юртга меҳрлари ошганлигини яширишмади. Ҳатто илгари бу ерга ташриф буюрганлар ҳам бу гал шаҳар ва унинг атрофидаги ўзгаришларни кўриб ҳайратга тушдилар.

АҚШдан келган иқтисодчи Зоя Якубова ўз эътирофини шундай изҳор этди:

– «Бионур медсервис» тиббий маркази дунёдаги етакчи муассасалардан қолишмайди. Агар даволанишга тўғри келса, мен албатта шу ерга келаман...

Катта ёшдагилар яхши билишади, бундан 40 йилча илгари Бельгия ёки Москва гиламини харид қилиш бизда обрў саналарди. Кейинчалик Туркия гиламлари шуҳрат қозонди. Яқин-яқингача биз уйларимизни ана шу мамлакат маҳсулотлари билан безаб келардик.

Кейинги ўн йилда юртимизда гиламчилик шу қадар ривожландики, бу борада хориж маҳсулотига эҳтиёж қолмади. Масалан, биргина Самарқанд вилоятида 34 та гиламчилик корхонаси ишлаб турибди. 2011 йилда улар томонидан 15,5 миллион квадрат метр ҳажмда маҳсулот ишлаб чиқарилган. Бундан ташқари, хорижлик сайёҳлар буюртмасига кўра, ноёб нусхада ипак гилам тўқийдиган ҳунармандлар сулоласи шаклланди.

Давоми иккинчи саҳифада.

Тоғларимиздаги ёш арчазорлар.



Она сайёра — қўриқхона

**Ўрмоншунос олим Абдухалил Қаюмов билан кўп йиллардан буён танишмиз. Она табиатимизнинг ҳақиқий билимдони бўлган бу жонкуяр олимни асли менга бир вақтлар шоир дўстим раҳматли Муҳаммад Раҳмон таништирганди. Улар Китоб туманининг Ҳисор тоғлари тўшидаги Паландара қишлоғида туғилиб-ўсишган, бир мактабда таҳсил олишган. Бири шоир, иккинчиси таниқли олим бўлиб етишган бўлсалар-да, қишлоқдошлик меҳридан ҳам кўра, уларни юртимиз табиатига бўлган айрича меҳр-муҳаббат бир-бири билан боғлаб турарди.**

Абдухалил ака билан Самарқанддан Тахтиқорача довони орқали Шаҳрисабзга бораётиб, у киши менга кўрсатган бир манзара тасаввуримдан асло кетмайди. Бу довонга чиқаётганда тоғнинг чап томонидаги соя тушадиган ёнбағирда қўл билан бунёд этилган жуда катта қалин ўрмонзор. Мен авваллари ҳам шу жойдан кўп бора ўтган, бағридан серсув булоқлар қайнаб, тошиб чиқаётган ўрмонга неча бор маҳлиё бўлиб ўтган эсам-да унинг табиий эмас, инсон қўли билан барпо этилганини билмагандим. Ўшанда бир ҳайратимга ўн ҳайрат қўшилган: ахир, қанчадан-қанча яйдоқ тоғу тошларимиз инсон меҳрига, мурувватига муҳтож бўлиб ётибди. Уларни ҳам мана шундай гўзал ўрмонзорларга айлантирса бўларкан-ку, деган ўй-фикрлар кўнглимдан ўтганди. Сабаби, тоғ ёнбағирларидаги ўрмонлар бошқа барча неъматларини ҳисобга олмаган тақдирингизда ҳам, биргина обиҳаётни кўпайтириб, табиий чашмаларнинг кўз очишида беқиёс аҳамият касб этишининг ўзиёқ уларнинг нечоғли зарурлигини аён этиб қўяди.

## УМУММИЛЛИЙ БОЙЛИК
### ёхуд Ўзбекистон ўрмонлари

Майли, тоғларни қўя турайлик. Қуп-қуруқ чўл ёки поёнсиз саҳрони кўз олдингизга келтиринг. Мана шу жойда бир ёки икки гектаргина ўрмон яратилди, дейлик. Тўғри, бу иш осон битмайди. Дастлаб уруғ ва кўчат тайёрланади. Сўнг улар тупроқнинг нами қочмай экиб, ундириб олинади. Атрофи эса қамишдан ҳимоя тўсиқлари билан ўралади. Бироқ, икки-уч йилдаёқ кўчатлар ўсиб, ўрмон вужудга кела бошлаши билан ҳудуднинг табиий муҳити ўзгаради. Ҳашоратлар, қушлар, ҳайвонот ва наботот олами пайдо бўлади, экологик мувозанат вужудга келади. Саҳро ўсимликлари ана шу табиат мувозанатининг муҳим ҳалқасига айланади.

Энди бир-икки гектар эмас, бўш ётган ерлардаги қанчадан-қанча майдонларда ўрмон барпо этганда қандай муҳит вужудга келишини тасаввур этишимиз қийин эмас. Улар боғу экинзорларни, аҳоли қўрғонларини яшил қалқон бўлиб кучли гармсел ва қиш бўронларидан ҳимоя қилишда нечоғли катта аҳамият касб этиши, экологик мувозанатни тиклаши ҳаммага аён.

— Мамлакатимиз ҳудудининг 19,5 фоизи ўрмон фонди ерлари ҳисобланади, — дейди профессор Абдухалил Қаюмов. — Бироқ фақат 5,1 фоиз еримизгина ўрмон билан қопланган. Бу жуда оз, шунинг учун янги ўрмонлар барпо этиш ишларини жадаллатиш зарур. Чунки бизнинг ўрмонларимиз ҳимоя вазифасини бажариб, тупроқни эрозия ва қум босишдан сақлайди, ер ҳосилдорлигини оширади, аҳоли саломатлигини ва экологик вазиятни яхшилайди. 5,1 фоиз ўрмоннинг ўзи билан ҳудудлармиз табиий мувозанатини сақлаш қийин. Иқлим ўзгариб сув етишмаётгани, чўлланиш даражаси ошиши ўрмонларимиз камлигига ҳам боғлиқдир.

Давоми иккинчи саҳифада.

Ёзувчилар уюшмаси йўлланмаси билан

**Ёз ортда қолди. Саратон ҳовури пасайиб, ўлкамиз узра саховатли куз тонгларининг ёқимли насимлари эса бошлади. Қуёшнинг илиқ тафти янада ёқимли туюлади.**

Фасллар алмашинувининг ҳам ўзига яраша гашти бор. Ариқларда мавжланиб оқаётган сув шу қадар тиниқлашганки, кўриб кўзингиз қувонади. Дарахтлар барги, боғлар пойи, йўлакларга гилам расмини чизаётгандай. Гоҳо кўк юзида бир парча булут кўзга ташланиб қолади, тиниқ осмоннинг ранги ўзгаради. “Ахборот” дастури якунида бериладиган об-ҳаво маълумотларига қизиқиш ортган. Чунки очиқ осмон остида эрта баҳордан енг шимариб меҳнат қилган бободеҳқоннинг заҳматли меҳнати билан яратилган мўл-кўл ҳосил — ризқ-насибамиз, дастурхонимизнинг тўкинлиги ҳозирча далада, миллион-миллион чаноқлардан тошиб чиқиб, куз қуёши нурида товланиб, парвозга шайланаётган оққушлардай қанот қоқиб турибди. Пахтакорнинг-ку, йўриғи бошқа, умрида эгат ораламаган, бир дона чигитдан қандай қилиб бундай мўъжиза яратилишини тасаввур қилмайдиган йўловчи, юртимизга биринчи бор қадами етган хорижлик сайёҳ ҳам пахта далалари ёнидан бефарқ ўтиб кета олмайди. У замонавий супермаркетларда ўзига, айниқса,

## СИР СОҲИЛИ СЎЛИМ-СЎЛИМ...

болаларига кийим-кечак танлаётиб, “коттон” сўзига, яъни “юз фоиз пахтадан тайёрланган”, деган ёзувга эътибор беради. Бугун бўлса у умрида биринчи марта ўзбек деҳқонлари неча йиллар давомида узлуксиз, ҳар қандай оғир шароитларда ҳам, қийинчиликларни енгиб, етиштираётган пахта ҳосилини ўз кўзи билан кўриб турибди.

Сирдарёлик деҳқон-фермерлар билан ҳорма-бор бўл қилиш учун йўлга отланар эканмиз, кўнгилдан шу мулоҳазалар ўтади. Ёшлик, талабалик йилларимизни эслаймиз. Мирзачўлнинг фусункор оқшомлари, кўк юзини қамраб олган юлдузлар жилоси, чирсиллаб ёнаётган гулхан атрофида жам бўлиб, “Биринчи муҳаббатим”ни завқ билан куйлаганимиз, шеърхонлик қилганимиз, бир-биримизни шу ерда — чўл бағрида кўп жиҳатдан таниганимиз, чўлда яшаш ва меҳнат қилиш сабоқларини олганимиз ёдимизга тушади.

Бугунги Гулистон, Сирдарё, Ховос, Оқолтин, Сайхунобод бутунлай бошқача, одамлар, ёшлар бошқача. Давлатимиз раҳбарининг “Сирдарё халқи азалдан қийинчиликларни сабот ва матонат билан енгиб келган меҳнаткаш, софдил, бағрикенг халқ. Мен Мирзачўл элининг изланувчанлик ва ташаббускорлик фазилатларига, меҳнат ва ҳаёт тажрибасига ишонаман”, деган сўзларининг ҳаётдаги аксини кўриш мумкин бу ерда. Сирдарёликларнинг ҳаёт ва меҳнат тажрибаси, сабот ва матонати чиндан ҳам эътирофга молик. Йил йилга, ой ойга ўхшамайди деганларидек, бу ернинг кузи гоҳ саховатли, гоҳ эса машаққатли келади.

Биринчи учрашувимиз Гулистон туманидаги “Бешбулоқ” шаҳарча фуқаролар йиғинида бўлиб ўтди. Киши эътиборини дид билан қурилаётган, шаҳар ҳовлиларидан қолишмайдиган уй-жойлар ўзига жалб қилади. Аввалгидек бир уйда фақат бир авлод эмас, бундан буёғига бир неча авлод хотиржам яшайди, қурилиш ташвишидан халос бўлади. Йиғин раисининг муовини Бахтиёр Жониқулов билан суҳбатимиз тезда қовуша қолди. “Элимиз тинч, турмушимиз ёмон эмас, гапни чўзмай, қисқасини айта қолай: ҳаракат қилган, меҳнатдан қочмаган одам кам бўлаётгани йўқ”, дейди.

Давоми олтинчи саҳифада.

## МЕН ОРЗУ ҚИЛГАН ТЕАТР

**Ҳар бир театр жамоаси айниқса, актёрлар янги мавсумни ўзгача интизорлик билан кутиб олишади. Дарҳақиқат, бир неча ойлик танаффусдан сўнг томошабинлар билан саҳнада учрашишнинг ўзгача завқи бор. Ана шундай ҳаяжонли дамларда санъат оламидаги илк қадамларим ёдимга тушади...**

Эътироф

Ўзбек миллий академик драма театрида ижод қилишни болалик чоғларимдан орзу қилардим. Бироқ ўша кезлари бу мен учун забт этиб бўлмас чўққи эди. Сабаби, Обид Жалилов, Олим Хўжаев, Шукур Бурхонов, Наби Раҳимов каби саҳна дарғалари ижод қилган театр аъзосига айланиш учун биргина хоҳишнинг ўзи етарли эмасди. Миллий театрга ёшларни қабул қилишда ўзига хос анъаналар, ижодий талаблар мавжуд эканини яхши билардим. Шунга қарамай, театр актёри бўлиш истагидан воз кечганим йўқ. Аксинча, йиллар ўтган сари саҳна ижодкори бўлишга иштиёқим ошиб бораверди.



Интилган киши, албатта, мақсадига эришади, деганлари рост экан. Санъат институтини тамомлаганимдан сўнг мамлакатимиздаги етакчи театрлардан бирида актёр сифатида фаолият бошладим. Буни қарангки, кўп ўтмай театрда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Мамлакатимиз мустақиллигининг ўн йиллиги арафасида театримиз биноси қайтадан бунёд этилиб, муҳташам санъат кошонасига айлантирилди. Шу тариқа пойтахтимизда дунёнинг манаман деган театрлари билан баҳслашишга қодир, замонавий ижод майдони юзага келди.

Тўғри, бу воқеа аллақачон тарих саҳифаларига муҳрланиб бўлган. Аммо театримизда амалга оширилган бунёдкорлик ишларини ёдга олмасдан бўлмайди. Қурилиш олиб борилган кезларда давлатимиз раҳбари ташриф буюриб, театр биноси қандай кўринишда бўлиши, актёрлар ва томошабинларга яратилиши лозим бўлган қулай шароитлар ҳақида билдирган фикр-мулоҳазалари мени ҳайратга солган. Айниқса, бинонинг очилиш маросимида Президентимиз айтган сўзлар хотирамда муҳрланиб қолди.

Давоми бешинчи саҳифада.

## ЯНГИ АВЛОД РАССОМЛАРИ

FUND FORUM. UZ

Ёшлар ижод саройида “Навқирон Ўзбекистон — 2012” анъанавий ва замонавий санъат фестивали ғолибларини тақдирлаш маросими бўлди. Бешинчи маротаба ўтказилган ушбу санъат анжуманида уч юз элликдан ортиқ ёш ижодкор ўз асарлари билан иштирок этди. Фестивал кўргазмасида рассомлик, сценография, ҳайкалтарошлик, миниатюра, графика ва кулолчилик йўналишидаги ижодий ишлар намойиш этилди.

— Бу йилги фестивал кўплаб янги номларни кашф этди, — дейди таниқли сополсоз рассом Акбар Раҳимов — Кўргазма залларидан ўрин олган ранг-баранг жанрдаги асарлар билан танишиш жараёнида шунга амин бўлдимки, мамлакатимизда устоз рассомлар ишини давом эттиришга қодир янги авлод етишиб келмоқда. Айниқса, Зафар Қодиров, Шуҳрат Юсупов, Жавлон Умаров, Рустам Музаффаров каби ёш ҳунармандларнинг асарлари менда катта таъсурот қолдирди. Ижодкорлар миллий ва замонавий санъат анъаналарини уйғунлаштиришга ҳаракат қилаётгани эътирофга лойиқ.

Ҳакамлар ҳайъати хулосасига кўра “Оригинал ижодий изланиш намунаси” йўналишида бош соврин Манзура Ғайбуллаевага насиб этди, “Маданиятлар мулоқоти” номинациясида Нигина Суннатова ҳамда Ойгул Ҳошимова ғолиб бўлишди. “Шарқ мактаби анъаналарини асраш” йўналишида асосий мукофот Беҳзод Турдиевга берилди.

**Эркин ФАҚИРОВ**

## СЎЗ АЙТИШ МАСЪУЛИЯТИ

**Сўнгги йилларда истеъдод эгаларини танлаш жараёни ҳар жиҳатдан такомиллашиб бормоқда. Муҳими, бундай тадбирларда вилоятларимизнинг энг чекка жойларида ижод қилаётган талантли ёшлар кашф этилмоқда. Ўзбек Миллий академик драма театрида бўлиб ўтган “Бадиий ўқиш, саҳна сухандонлиги ва конферансьелик санъати ижрочиларининг республика кўрик-танлови” ҳам янги истеъдодларни элга танитди.**

Тадбир

Қорақалпоғистонда, Тошкентда ва вилоят марказларида ўтказилган дастлабки босқичларда ғолибликни қўлга киритган етмишдан ортиқ ижрочи кўрик-танловнинг республика босқичида қатнашди. Тадбирдан кўзланган асосий мақсад ҳақида республика Халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази раҳбари ўринбосари Ўткир Тоҳиров шундай деди:

— Аввало, мазкур танловнинг биринчи марта ўтказилаётганини таъкидлашни истардим. Бундан асосий мақсад, биринчи навбатда, ҳаваскорлик санъати савиясини янада кўтариш, ёшларнинг бадиий ўқиш, саҳна сухандонлиги ва конферансьелик санъатига қизиқишларини ошириш, шу соҳаларда фаолият олиб бораётган ёш истеъдодларни кашф этиш ҳамда уларга ҳар томонлама ёрдам беришдан иборат. Номоддий маданий меросимизни асраб-авайлаш ва тарғиб қилиш борасида ҳам бу танловнинг аҳамияти катта.

— Танловга фахрий меҳмон сифатида таклиф этилганимдан хурсандман, — дейди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, бадиий сўз устаси Ўткир Сиддиқов. — Тўғриси, айни бизнинг соҳамизда кўрик-танловга эҳтиёж сезилаётганди. Пойтахтимизда ҳам, айниқса, вилоятларда шу йўналишларда ижрочилар саноқли. Устозлар мактабидан сабоқ олган ёшлар бизнинг ишимиз давомчилари бўлиб қоладилар.

Давоми бешинчи саҳифада.

# ЁРУҒ КЕЛАЖАККА

## ИШОНЧ БИЛАН ЯШАЁТГАН ХАЛҚМИЗ

Бошланиши биринчи саҳифада.

Хўш, Ўзбекистоннинг кичик бизнесдаги ютуқлари сири нимада? Келинг, бу саволга «СамАнтеп гилам» қўшма корхонаси мисолида жавоб излаб кўрайлик.

Корхона раҳбари Камол Абдуллаевни анчадан буён танийман. Отаси Талъат ака ижодкор муаллим. Онаси — шифокор. «СамАнтеп гилам» ҳар йили гиламчилик замонавий технологияларининг Германияда бўладиган халқаро ярмаркасида иштирок этишидан, йилига бу ерга 4 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритилаётганидан хабарим бор.

– Бизнесни четдан гилам олиб келиб сотишдан бошлаганман, – дейди Камол. – Тайёр маҳсулотга бож тўлови кўпайгач, фойдадан бебаҳра қолдик. Шунда бизда «ушбу гиламни ўзимизда чиқарсак, қандай бўлади» деган фикр пайдо бўлди. Негаки, давлат янги технология олиб келишни қўллаб-қувватлай бошлади.



«СамАнтеп гилам» маҳсулотлари харидоргир.

1996 йилда вилоят газетасида шундай ахборот чиққанди: «Самарқандда Туркия ишбилармонлари билан ҳамкорликда гиламчилик цехи ишга тушди. 40 та ишчи ўрни яратилди. Ҳозирча бу ерда 30 хилдаги гилам маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда».

Роппа-роса ўн йил ўтгач, газеталарда «СамАнтеп гилам» қўшма корхонаси МДҲнинг олти давлатига маҳсулот экспорт қилаётгани тўғрисида ахборот босилди.

— Дастлаб «Ўзбеклизинг» ёрдамида энг замонавий технологияларни олиб кирдик, — дея суҳбатни давом эттирди Камол. — Ўн йил давомида ўзимизда мураккаб технологик жараёнларни бошқара оладиган мутахассислар етишиб чиқди. Миллий дизайн билан бирга хорижлик харидорлар эҳтиёжини, дидини ўрганиш тизими йўлга қўйилди. Натижада Москва шаҳрида корхонанинг фирма дўкони очилишига эришилди.

Хорижлик мутахассислар бу корхонадаги иш шароити ва технологик жараённи ҳавас билан ўрганишди. Ўзбекистон кичик бизнес учун жуда катта хомашё базаси эканлиги таъкидланди. Мисол учун, мазкур корхона фақат канопнинг қайта ишланган толасинигина Бангладешдан олади. Қолган барча табиий ва сунъий хомашё республикадаги корхоналардан келтирилади. Умуман, халқаро талабларга кўра, маҳсулот таннархининг 80 фоизини хомашё нархи белгилайди.

Шу сабабли Самарқанднинг арзон, сифатли гиламларига талаб ортиб бормоқда. Ҳатто ташриф чоғида Япония ва Афғонистон вакиллари шу йилнинг ўзидаёқ бу корхона маҳсулотларига буюртма беришларини айтишди. Боз устига улар яқин икки-уч йил ичида «СамАнтеп гилам» Ўзбекистонни дунёда энг харидоргир гилам ишлаб чиқарадиган учта давлатнинг бири даражасига кўтаришини қатъият билан айтишди.

Тадбиркор фақат мулк эгасигина эмас. У жамиятни ҳаракатга келтирувчи, тараққиётга элтувчи куч. Унинг тафаккури, янги ғоялари бу – интеллектуал мулк. Тадбиркор ишчи ўрни яратиш орқали инсон қобилияти ва имкониятларини юзага чиқаришга йўл очади. Янги маҳсулоти билан янгича турмуш тарзини шакллантиришга ҳисса қўшади. Шахсий ибрати билан эса юзлаб ёшларни ўз ортидан боришга ундайди. У – бунёдкор, у – яратувчи, у – давлат қудратининг манбаи.

Шу сабабли мустақиллик йилларида айнан кичик бизнес ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга оид юзга яқин қонун, фармон ва қарорлар қабул қилинди. Молиявий имтиёзлар кичик корхоналарнинг кўпайишига, экспорт билан шуғулланишига имкон бераётир. Буни халқаро конференция иштирокчилари ҳам тасдиқлашди. Жумладан, Венгрия Миллий иқтисодиёт вазирлиги вакили Питр Погаксас шундай деди: «Ўзбекистонда катта юксалишларга эришилишида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўрни ғоятда катта бўлаётганини ўз кўзимиз билан кўрдик. Мамлакатингизда тадбиркорларнинг ўз бизнесини йўлга қўйиши учун банклар томонидан берилаётган кредитлар ишбилармонларнинг нафақат ички бозорда иш юритиши, балки минтақа ва жаҳон бозорларига чиқишини кенгайтириш, илғор илм-фан ютуқларига асосланган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга хизмат қилмоқда».

Ўтган 21 йил ичида Ўзбекистонда кичик бизнес ва тадбиркорлик билан шуғулланувчи янги авлод шаклланиб улгурди. Бу ўз-ўзидан бўлган эмас. Биринчидан, ҳунармандлик азал-азалдан халқимизнинг табиатида бор. Мисол учун, соҳибқирон Амир Темур салтанати даврида Самарқандда зардўзлар, заргарлар, темирчилар, ганчкорлар, чармгарлар, дурадгорлар ва бошқа ўнлаб касб эгаларининг алоҳида маҳалла ҳамда гузарлари шаклланган. Эндиликда умумтаълим мактабларида болаларга тадбиркорлик ва касб танлаш юзасидан илк тушунчалар берилмоқда. Бундан ҳам муҳими, касб-ҳунар коллежлари мамлакатда замонавий ишбилармон-мутахассислар авлодини тайёрлашга замин яратди.

Ва ниҳоят, давлат бу коллежларнинг битирувчиларини иш билан таъминлашни ўз зиммасига олди.

Хорижлик меҳмонлар бу жараён Ўзбекистоннинг илғор, ўзига хос тажрибаси ва у пухта ўрганишга арзигулик иш эканлигини таъкидлашди. Улар Самарқанд шаҳридаги автомобилсозлик коллежи, енгил саноат ва иқтисодиёт коллежида бўлиб, ўқув жараёни ва шарт-шароитлар билан танишдилар, ўқувчилар билан мулоқотда бўлдилар.

– Ёшлар ҳатто энг мураккаб фанларни ҳам катта қизиқиш билан ўрганаётгани гувоҳи бўлдик, – дейди Пекин университети профессори Жастин Лин. – Ўзбекистонда касб-ҳунар коллежлари ва бошқа таълим муассасалари битирувчиларининг давлат томонидан иш билан таъминланиши таҳсинга сазовор.

Меҳмоннинг сўзига қўшимча қилиб айтиш мумкинки, биргина Самарқанд вилоятида жорий йилнинг ўзида юз нафардан зиёд коллеж битирувчилари банкдан кредит олиб, ўз бизнесларини бошлашди. Апрель-июль ойларида ёш мутахассислар учун беш марта бўш иш ўринлари ярмаркалари уюштирилди. Вилоят ҳокими ҳар бир коллежда ўқувчилар, ўқитувчилар, ота-оналар билан очиқ мулоқот ўтказди.

Битта мисол келтириб ўтсам. Иштихон педагогика коллежи ўқувчиси Наргиза Худойқулова бу йил коллежни битириб, банкнинг имтиёзли кредити асосида туман марказида тикувчилик цехи ва ўқув маркази ташкил этди. Ҳозирда бу ерда ўнга яқин ёшлар иш билан таъминланди.

Шу ўринда бир нарсани айтиб ўтмоқчиман. Сенат аъзоси сифатида ҳозиргача унинг тўққизта ялпи мажлисида қатнашдим. Ҳар бир анжуманда албатта кичик бизнесни ривожлантиришга оид масалалар кўрилади. Хусусан, «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги, «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунлар нафақат ишбилармонлар, балки барча юртдошларимиз томонидан қизғин кутиб олинди. Ялпи мажлисдан кейинги мулоқотлар чоғида улар бундай имкониятлар оила фаровонлигини ошириш билан бирга ўз иқтидорларини кўрсатиб, янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ёрдам бераётганини айтишаяпти.

Молиявий имкониятлардан ташқари, бизда тадбиркорнинг ҳуқуқи ҳимоясига ҳам жиддий эътибор берилмоқда. Мисол учун Сенатнинг кейинги ялпи мажлисида хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига қонунга хилоф равишда аралашганлик учун жавобгарлик жорий этилиши муносабати билан Жиноят Кодексига ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексга ўзгаришлар киритилди. Тўғрисини айтсам, бу иш тадбиркор ҳуқуқи ҳимояси борасида жуда катта ва дадил қадам бўлди. Негаки, унда тадбиркорлик фаолиятига ноқонуний аралашганлик учун иқтисодий жарималардан ташқари, озодликдан маҳрум қилиш нормалари ҳам киритилди.

Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон ўз одилона, тўғри, самарали сиёсатини дунё жамоатчилиги олдида яна бир карра намойиш қилди. Халқаро конференция қатнашчилари юртимизда тадбиркорлик шиддат билан ривожланаётганини, тинчлик ва халқпарвар сиёсат нималарга қодир эканлигини ўз кўзлари билан кўрдилар. Уларнинг самимий эътирофлари давлатимизнинг буюк келажак сари дадил бораётганлигини кўрсатиб турибди.

**Фармон ТОШЕВ,**
**Олий Мажлис Сенати аъзоси**

# УМУММИЛЛИЙ БОЙЛИК

## ёхуд Ўзбекистон ўрмонлари

Бошланиши биринчи саҳифада.

Шу ўринда Жанубий Корея тажрибасини эслаб ўтишга тўғри келади. Ўтган асрнинг 50-йиллари мустақилликка эришилганда мамлакатдаги табиий ўрмонлар кесилиб битган, унинг бир гектари ҳам қолмаган экан. Дастлабки кунларданоқ ўрмонзор ва йўлларни тиклашга киришилади. Одамлар тоғларга қопларда тупроқ кўтариб чиқиб кўчат экишади. Шундан буён ҳар йили мамлакатда бир ой давомида ўрмон барпо этиш учун сафарбарлик эълон қилинади. Бу тадбирнинг мунтазам амалга оширилиши боис, мамлакат ҳудудининг 60 фоизи ўрмонзорлар билан қопланибди.

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси маълумотларига қараганда, мамлакатимизда ҳозир ҳар йили 42 минг гектар майдонга ўрмон дарахтлари экилаётган экан.

— Ўрмонлар, яшил дов-дарахтли ҳудудлар ҳавосида чанг ва қурум саноат марказларидагига нисбатан минг баравар кам бўлади, — дейди бошқарманинг ўрмонларни кўпайтириш ва қайта тиклаш бўлими бошлиғи, биология фанлари номзоди Хўжамурод Толипов. — Негаки, дарахт ва буталар чангнинг 72, олтингугурт газининг 60 фоизигача тутиб қолади. Чўл ҳудудларида бир туп ўрта ёшли саксовул ўзида 3-5 тоннагача қум заррачаларини тутиб қолади.

Яшил қалқонларимиз атроф-муҳитни соғломлаштиради. Ҳавони заҳарли моддалардан тозалайди, техника шовқинларидан муҳофаза этади. Бир гектар майдондаги арчазор бир кеча-кундузда 30 кг. фитонцид ажратади. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобига кўра, бир гектар арчазорнинг фитонциди катта бир шаҳарнинг ҳавосини дизенфекциялашга қодир. Бир гектар эльдор қарағайзори йилига 336 тонна чангни тутиб қолади ва 4 тоннадан 11 тоннагача кислород ишлаб чиқаради.

Хўжамурод аканинг айтишича, ўрмон хўжаликлари томонидан уруғ ва кўчатдан экиш, табиий тикланишга кўмак бериш ёрдамида янгидан барпо этилаётган ўрмонзорлар майдонининг 80 фоиздан ортиғи Орол денгизининг қуриган қисми ва Оролбўйи минтақаси (Қорақалпоғистон республикаси, Хоразм, Бухоро ва Навоий вилоятлари) ҳудудларига тўғри келаркан.



Оролбўйида барпо этилган янги ўрмонзор.

Бу ишлар аҳоли яшаш жойларидан 150 - 200 км. узоқликдаги оғир шароитларда амалга оширилади. Бунинг учун дастлаб ёз ойлари зовурлар ва кўллар атрофидан қамиш ўриб тайёрланади. Бир гектарга етадиган механик ҳимоя тўсиқлари яратиш учун 100 куб метр атрофида қамиш керак бўлади. Саксовул, черкез, қандим каби чўл ўсимликлари уруғи ва кўчати ана шу ҳимоя тўсиқлари орасига экилади. Қум барханлари кўп бўлган жойларда эса, қудратли техника воситаларига эҳтиёж туғилади, ўрмончиларнинг ертўлаларда яшашига тўғри келади. Шундай саъй-ҳаракатлар билан Орол денгизининг қуриган тубида қарийб 300 минг гектар ўрмон барпо этилиб, экотизим тикланган.

Бу борада Оролни қутқариш халқаро жамғармаси агентлиги ва унинг Нукусдаги бўлими томонидан ҳам кенг кўламдаги ишлар амалга оширилмоқда. Денгиз ҳавзасидаги кичик кўлларни обиҳаёт билан таъминлаш, сув тақсимлаш иншоотлари қуриш бўйича амалга оширилган ишлар натижасида Оролбўйида наботот ва ҳайвонот олами тикланиб бормоқда. Зироатчилик қилинадиган ҳудудларига туз ва қум ёпирилиши камайди. Кўллар майдони 230 минг гектарга етказилиб, лойиҳада кўзда тутилган ўрмонзорлар барпо этилгач, денгиз тубидан кўтарилаётган заққум шамолларнинг таъсири янада камаяди.

— “Туз ва қум кўчиши олдини олувчи маҳаллий ўсимликлар экиш асосида Орол денгизининг қуриган қисмини ўзлаштириш” лойиҳаси бўйича Мўйноқ туманида 10 минг гектардан ортиқ иҳотазор ўрмонлар вужудга келтирилиб, ўтган йили Қозоқдарё ўрмон муҳофазаси давлат хўжалиги тасарруфига топширилди, — дейди агентликнинг лойиҳа раҳбари Серикбой Пирнабеков. —. Айни кунларда янги лойиҳа асосида Ахантой ва Оққум тизмасида ўрмонзорлар барпо этаяпмиз. Ўрмончилар кузда саксовул, черкез, қандим уруғини йиғишади ва улардан кўчат тайёрлашади. Экилган ниҳоллар сершох буталарга айланиши учун қишин-ёзин улардан меҳнатингни, меҳрингни аямаслик зарур бўлади.

Албатта, туз аралаш қум бўронлари кўз очирмайдиган ҳудудларда ўрмон яратиш осон эмас. Шу сабабли лойиҳада ўрмончиларнинг яшаш жойи, техника ва ичимлик сув таъминотига алоҳида аҳамият берилган. Суҳбатдошимнинг айтишича, иҳотазор ўрмон барпо этаётганлар учун Оролқумнинг 500 метр ер остидан артезиан қудуғи қазиб ичимлик сув чиқарилибди.

Ҳа, саҳро ўрмонлари мана шундай оғир заҳмат билан йўқдан бор бўлади. Бор бўлгандан сўнг эса у заминнинг кўрку чиройини очиб юборади. Аввало, саксовулзор ва черкеззорлар оралиғидаги майдонларда чорва учун озиқбоп ўт-ўланлар ўсади. Қўйлар суруви изғирин бўронларда ўрмонзор панасида жон сақлайди. Энг муҳими, қум кўчиб ётган ҳудудлар қиёфаси бутунлай ўзгаради. Ёвуз шамолларга қалқон бўладиган саҳро ўрмони воҳалардаги боғ ва экинзорларга ҳаёт бахш этиб, мўътадил иқлим яратади.

Олимларнинг илмий изланиши шуни кўрсатмоқдаки, бир гектар майдондаги саксовул ва черкез ўрмонзори тўрт ёшга етганда 1547,8 кг. ис газини ютиб, атмосферага 1116,4 кг. кислород чиқаради. Денгизнинг қуриган жойларини танлаб ўрмонлаштириш эса, ҳароратнинг глобал даражада кўтарилиши олдини олади.

— Бироқ бундай сермашаққат ишларни жамоатчилик иштирокисиз биргина ўрмон хўжаликлари кучи билан кенг миқёсда амалга ошириш қийин, — дейди Ҳожимурод Толипов. — Бунинг учун моддий-техника базаси мустаҳкам кўчма механизациялашган отрядлар тузилиши зарур.

Вазирлар Маҳкамаси қарорига асосан ўрмон хўжалиги тизимида “Манзарали боғдорчилик ва ўрмон хўжалиги республика илмий-ишлаб чиқариш маркази”нинг ташкил этилиши мамлакатимиз шаҳар ва қишлоқларини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, янги ўрмонзорлар барпо этиш ишларини жадаллатишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Япон сафораси ва каштан дарахтлари кўчатларини кўпайтиришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Шу ўринда бир муаммо кўзга ташланади. Юртимизда зироатчилик билан шуғулланиладиган ҳайдов ерлари ҳудудининг атиги икки-уч фоизигина дарахтзорлар билан қопланган. Бу экинзор майдонларнинг деярли ҳамма ёғи очиқ деган маънони англатади. Ҳолбуки, вилоятлар, шаҳарлар ва туманларни боғловчи кўпгина автомобил йўлларининг икки чети, фермер хўжаликлари чегараларида иҳота дарахтзорлари барпо қилиб, уларнинг яшил қалқон билан қопланиш даражасини 5-10 фоизга етказиш мумкин. Бундай иҳотазорлар ҳимоясидаги худудларда ҳарорат очиқ далаларга нисбатан 3,0-3,5 даража паст бўлади, ҳавонинг намлиги 3-15 фоизга ошади. Натижада қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлиги 10-30 фоизга кўпаяди.

Юртимиз табиати бежиз жаннатга менгзалмайди. Агар иштиёқ бўлса, исталган ҳудудда боғ ва ўрмонзор барпо этиб, она табиатни яшнатиш мумкин. Эътибор беринг, поёни йўқ йўллар ўтган чўл ва саҳро ҳудудларидаги сувсиз ерларда саксовул, черкез, қандим каби чўл ўсимликлари; обиҳаёт танқис жойларда сувсизликка чидамли қайроғоч, шумтол, айлант, тут, игна баргли дарахтлардан туя, можжевельник; сув чиқмайдиган тоғ ва тоғ олди ҳудудларида арча, писта, бодом, туя, мевалилардан ўрик, беҳи; шўрланмаган сувли ерларда чинор, қарағай, терак, шумтол, сафора каби манзарали дарахтларни кўп қаторли қилиб экиб, яхши самара олиш мумкин.

Мамлакатимизда манзарали боғдорчиликни ривожлантириш бўйича 2011–2015 йилларга мўлжалланган стратегик тадбирлар ишлаб чиқилиб, ҳаётга тадбиқ этилаётгани ўз юртини севган, унинг манзилларини обод қилишни, яшил бойликларимизни кўпайтиришни фарзандлик бурчи деб билган ҳар бир фуқаронинг бу жараёнда фаол иштирок этишини тақозо этади.

Албатта, ҳар бир соҳанинг ривожи ёхуд турғунлигига сабаб бўладиган муайян муаммолар ҳамиша бўлади. Шу нуқтаи назардан бугунги ўрмончилик муаммоларига кўз ташлайдиган бўлсак, биринчи навбатда, ўрмончимлик техникаси ва механизмлари етишмаётгани аён бўлади. Мен журналист сифатида соҳа тараққиётига бағишланган кўплаб анжуманларда иштирок этиб, соҳа мутахассислари билан мулоқот қилиб англаганим шу бўлдики, илгаридан мавжуд ўрмончилик техникалари эскириб, ўз хизматини ўтаб бўлган, янги механизмлар сотиб олиш эса кўнгилдагидек эмас. Бир пайтлар Ўрмончилик илмий-тадқиқот институти қошида соҳа ривожи учун сув билан ҳаводек зарур бўлган машина-механизмлар ишлаб чиқарувчи кичик завод фаолият кўрсатарди. Кўчат экадиган, уруғ сепадиган агрегатлар, кўчат экиш учун чуқур кавлайдиган, тоғ ёнбағирларини текислаб дарахт экишга ҳозирловчи террасор, хандон писта тозалагич, ёнғоқ қоққич агрегатлар, тупроқнинг чуқур гипс қатламини қирқиб юмшатгич каби бир неча хил машина-механизмлар ишлаб чиқариларди. Ва бу, шубҳасиз, соҳа ривожига сезиларли таъсир кўрсатарди. Афсуски, ҳозир корхона ўрмончилик техникаларини ишлаб чиқармаяпти. Бинобарин, барча соҳаларда бўлаётгани каби ўрмончилик соҳасида ҳам чуқурислоҳотларга эҳтиёж туғилмоқда.

Тошкентдаги Аграр университетнинг Ўрмончилик кафедраси профессори Абдухалил Қаюмов билан суҳбатимиздан маълум бўлишича, ҳозирги кунда наъматак, зирк, чаканда, нон жийда каби доривор ўсимликларнинг серҳосил, сервитамин навларини танлаб сунъий усулда кўпайтириш технологиясини яратиш устида илмий-тадқиқот ишлари олиб борилаётган экан. Университетнинг мева-сабзавот ва узумчилик факультети қошида ўрмончилик йўналиши бўйича мутахассислар тайёрлаш миқдори йилига 50 нафардан 125 нафарга ошгани ҳам ўрмончилигимиз тараққиётига хизмат қилади.

* * *

Сиртдан ўрмонни кузатсангиз, осойишта, жим-жит, қоп-қоронғи, бирор ҳаёт аломати йўқдек туюлади. Лекин унинг ичига кириб ўргана бошласангиз, табиатнинг ҳаёт учун кураш қонуниятини англаб етасиз. Ўрмондаги дарахтлар, ўсимликлар, ҳайвонлар, қушлар, ҳашоротлар, микроорганизмлар — ҳаммаси яшаш учун ўзаро кураш олиб боради. Ўрмон ичида ана шундай мураккаб ҳаёт тилсими мавжуд. Бу тилсим эса, энг аввало, ҳаёт гултожи бўлмиш инсоннинг умрига мазмун ва моҳият бахш этади. Шундай экан, “Ўрмон тўғрисида“ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида белгилаб қўйилганидек, “ўрмонлар давлат мулки — умуммиллий бойлик бўлиб, улардан оқилона фойдаланиш лозим“. Айни чоғда, ана шу умуммиллий бойлигимизни кўпайтиришга муносиб ҳисса қўшиш ҳар биримизнинг фуқаролик ва инсоний бурчимиз бўлмоғи керак.

**Мурод АБДУЛЛАЕВ**

# ҚОЗОҒИСТОН КИНОСИ КУНЛАРИ



Пойтахтимизнинг Алишер Навоий номидаги кино саройида Қозоғистон киноси кунлари бўлиб ўтмоқда. Тадбир мамлакатларимиз ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилганига 20 йил тўлиши муносабати билан ташкил этилди. Кино кунлари “Болалигим осмони” филми намойиши билан бошланди.

— Маданияти, санъати, тили ва тарихи муштарак бўлган Ўзбекистон ва Қозоғистонни дўстлик ва қардошлик ришталари бир-бирига боғлаб туради. — дейди “Ўзбеккино” Миллий агентлиги бош директори Аъзам Исҳоқов. — Давлатларимиз ўртасида ўрнатилган алоқалар бугун маданият соҳасида ҳам равнақ топмоқда. Юртимизда қозоқ киноси кунлари давом этаётган бир вақтда Қозоғистонда VIII Евроосиё халқаро кино фестивали бўлиб ўтмоқда. Бу анжуманда ўзбек кино усталари яратган “Паризод”, “Тилсиз уй” филмлари намойиш этилди. Мазкур тадбирлар қозоқ ва ўзбек кино ижодкорлари учун ўзаро тажриба алмашишда ҳам айни муддао бўлди.

Кино кунлари дастуридан шоир ва композитор Биржан Кожагулов ҳаётига бағишланган “Биржан сал” номли тарихий картина, “Қиз жибек”, “Жеруйиқ” каби филмлар ҳам ўрин олган.

# МИЛЛИЙ КИНО ТАРҒИБОТИ

Самарқанд вилоятида кино санъатини кенг тарғиб қилиш ва ривожлантириш борасида кўпгина хайрли ишлар амалга оширилмоқди. Халқимиз севган кино ижодкорлар — Ёдгор Саъдиев, Лутфулла Саъдуллаев, Элёр Носиров, таниқли актёрлар Боир Холмирзаев, Саида Раметова, шунингдек, Дилноза Кубаева, Адиз Ражабов, Алишер Узоқов каби ёш актёрлар билан ижодий учрашувларда халқимизнинг кино ижодкорларга нисбатан эътибори ва қизиқиши намоён бўлди.

“Чавандоз”, “Жасур”, “Бахт уйи”, “Жигарбандим” сингари филмлар намойиш этилиши жараёнида томошабинларнинг катта экранда филм томоша қилишга чанқоқлиги, томошадан катта таассуротлар билан қайтаётганига гувоҳи бўлдик. “Ўзбеккино” Миллий агентлиги Самарқанд вилоят ҳудудий бўлими томонидан аҳолининг, айниқса, ёшларнинг талаб ва истакларини инобатга олган ҳолда махсус дастури асосида Самарқанд шаҳридаги 800 ўринли янги концерт залида, вилоят мусиқали драма театрида, “Ёшлик” истироҳат боғида, Пастдарғом туманидаги маданият ва истироҳат боғида, шаҳар ва туманлар “Маҳалла” марказларида Мустақилликнинг 21 йиллиги ҳамда “Мустаҳкам оила йили”га бағишлаб тадбирлар ўтказилди. Уларда миллий ғоямизни тарғиб этувчи, халқимизнинг азалий анъаналарини ифодаловчи, ёшлар онгида мардлик, жасорат, Ватанга муҳаббат туйғуларини шакллантирувчи, диний ақидапарастлик ва гиёҳвандликка қарши ғоявий иммунитетни кучайтиришга хизмат қилувчи бадиий ва ҳужжатли филмлар намойиш этилди.

Бу ташаббус асосда амалга оширилган ишлар “Ўзбеккино” Миллий агентлигининг 2012 йилнинг биринчи ярим йиллиги якунларига бағишланган йиғилишида кўриб чиқилиб, кино санъатини тарғиб этиш борасида ташкил этилган ишлар, эришилган тажрибалар бошқа вилоятларда ҳам кенг ёйишга тавсия қилинди.

**Ориф ҲОЖИ**

# МЕНИ ИСТАГАН ШЕЪРИЯТ

**Кейинги пайтлари Фахриёр, Абдували Қутбиддин, Баҳром Рўзимуҳаммадни кўп ўқийман, уларнинг нима демоқчи эканини тўлиғича тушунаман десам, уйдирма бўлар, лекин таъсирланаман. Мутолаада хаёлим очилиб, бошқа, қандайдир ишора маконларга кетиб қолади, кўнглим бошқа бир дунёга сайрга чиққандек, бир оз таажжубда қарайман: нималар экан бу деб. Шу таъсир — фикримни меҳваридан чиқариб, тасаввуримни ўзга хиёбонларда ва ўзга биёбонларда ҳам сайр қилишга етаклаган таъсир шеърнинг янгилиги қувватидан бўлса керак. Ташбеҳма-ташбеҳ англамаган ҳолимда ҳам мубҳамликни ўзимга яқин олиб, очиб қарашга интиламан, тўғрироғи, шеърнинг ўзи шунга даъват қилади, фақат чорламайди, сўз кучи билан ўша жозиб сирларга тортаверади.**

Абдувалининг ўзимга энг тушунарли, ҳамма сўзи ойдиндек тўрт сатрида тин олиб кўраман:

*Қафасдаги бедана...*
*Чумчуқлар шохлардан*
*шохларга ўтарлар...*
*Олмани тешиб чиқар қурт...*
*(осмон кенг.)*

"Осмон кенг" қавсга олиниб, яна нуқта ҳам қўйилган — осмонни тўсишми, у туйнукдан кўринаяптими ёки кенгликнинг кичик бир бўлаги — боғ устидаги парчасига ишорами? Ўйлайман, бир тўхтамга кела олмайман. Бедана қафасда, ҳа, бу Шарқ, Шарқ беданасиз бўлмайди; бедана фақат Шарқда қафасда асралади, чумчуқлар шохдан шохга сакрайди, қурт эса олмани тешиб чиқаяпти — бу кенг осмон остида кўп нарсалар бўлаяпти, унинг бағрига ҳамма нарса – ҳаётнинг ҳаракат сувратлари сиғади. Мен бу тўртликни ўзимча шундай англай бошлайман. Бу англашим тўлиқ эмаслигини, шеърда бошқа ишоралар борлигини ҳам туйиб тураман.

Баҳромнинг бир шеърини ўқийман:

*Қурбақа келин ҳовузнинг*
*тинч жойига*
*Икки-учта қизил япроқ*
*тўшаб қўяди*
*Сув остидаги ялтироқ тошнинг*
*Нури билан тозалайди*
*япроқларини*
*Бедана сайроғини супурги қилиб*
*Супуриб чиқади сув бетини*

Тиниш белгилари йўқ, шеър тўхтамсиз давомий, ўқиб ўйлайман; ўйимни тушуниб олай деб, ўзим тўхтам қилаяпман. Бу таниш, жўн манзара замирида нималар бу? Қурбақанинг ҳовузнинг тинч жойига қизил япроқ тўшаши... ҳовузнинг тинч жойи, қизил япроқ, тағин бу япроқларни сув остидаги ялтироқ тош нури билан тозалайди, бу ҳовузда акс этган қуёшдир, балки... "Бедана сайроғини супурги қилиб" — бу ҳам манзара-ташбеҳ, ҳам манзара-тимсол. Балки билмаётгандирман, лекин билмаган ҳолимда нимага тасаввуримни жонлантириб юбораяпти, қандайдир яқин, тўғрироғи, танишга ўхшаган оҳанрабо бўёқлар билан сирланган туйғуларга жалб қилаяпти?

Табиат бағрига чиққанда кўзингиз қувнаса, кўрган манзарангизни тушунишга уринмайсиз-ку. Тушундим деганингиз билан ҳам тушунишингиз табиатни ўзгартирмайди. Сиз учун муҳими ва кераги унинг таъсири: енгил шабада, ёқимли ифорлар, қушлар сайроғи, мовий осмон, у ҳатто мовий бўлмаслиги ҳам мумкин, булутли бўлса ҳам, ундан завқ топа оласиз, ундан фикр ахтармайсиз, фикр ўзингизда уйғонади. Табиат сизни уйғотади, шеър ҳам шундай. Модерн шеърни тушунишга уринсангиз, уни ўқиб, хаёлингизни ўзига қўйиб беринг, дунёсини ўзи яратади — сизга керакли, сиз англайдиган дунёни.

*РЕКЛАМА олмага*
*асалари қўнмоқда*
*Дарахт танасига тушган*
*қурт гапиради*
*Энди асалариларнинг замони*
*Асаларилар жамиятга*
*зиён етказмайдилар*
*Асалари қўнадиган*
*олмаларни харид қилинг*

Яна тиниш белгилари йўқ, мен ўйлашда давом этаман, нималарнидир излаяпман, кўрмаган нарсаларимни пайпаслаб, кўз олдимга келтираяпман, нималигини билмаганим туйғулар қаёққадир ўтиб келаяпти.

Баҳром биз қарамаган чумолини хаёлан қўлига олиб, турли томонидан қараб кўради, яна хаёлан: мабодо одам эмасми бу, шер бўлса-чи, бирдан юрагимга чангал урсами, унинг ҳайқириғидан еру кўк ларзага тушар эдими, мен бу чумоли муҳаббатига арзийманми... Шу тариқа уни ҳар кўйга солиб, ўйлаб қарайди, яъни бизни ўйлатади; чумолига ҳар тарафдан баҳо беришга, уни турли ўлчамларда кўришга ундайди; бир мўъжаз жонзот мисолида қандай яшаётганимизни идрок этишга чорлайди, содда бир билгилар билан, ўзи ҳам ажабланган бўлиб бизни ажаблантиради...

Мисол келтираётганим шоирлар кейинги йигирмайилликда шаклланган катта бир шеърият оқимининг етакчи вакиллари, бу янги оқимда номи унда-бунда тилга олиниб, матбуот ва китоб савдоси сабаб, кенг китобхонлар оммасининг ўз шоирига айланиши қийин кечаётган Азиз Саид, Шамшод Абдуллаев (миллий мотивларда русча ёзади), Гўзал Бегим, Рауф Субҳон, Бектемир Пирнафасов, Ойдиннисо каби яна бир қанча ижодкорларимиз бор — улар, шубҳасиз, дунёга янгича қараш, рамз, тамсиллар орқали унинг кўринмаган манзараларини кўрсатиш, бадиий тафаккурнинг хос ўзанларини очиш билан умуман адабиётимиз келажагининг ўзгачалик пойдеворини тиклаган сўз шайдолари...

Мен бу шеъриятни чанқаб ўқийман. У фикримнинг қуриб қотган, қақроқ заминига томчилайди, сингиши қийин; намлик бериши, гул ундириши мумкин бўлган томчилар, қатъий, ўжар уйғониш азобидан роҳат берадиган ундашлар.

Менга у янги, ўқиб қийналаман, нималарнидир кўраётгандек, нималарнидир яхши пайпаслаётгандек бўламан, гўзал бир тусмоллар ичида қоламан, аниқ кўра олмасам-да, гўзаллиги дилимга инади.

Бу янги авлод, бу янги фикр — менга тусмоллиги ҳам бор гап, чунки мен эски ўлчамлар билан чамалаб кўраяпман, менинг қаричим бу манзарани ўлчашга мос эмас. Айни пайтда кўнглим талабида ўзим кўниккан манзарани сўраш ҳам бор.

*Тобора ҳуснига ҳусн қўшилиб*
*Тобора очилиб бормоқда бу гул —*
*Биллур гулдондаги гул*
*(Болтабой Бегматов)*

Бу тафаккур шу пайтгача урфда бўлиб келаётган шакллардан чиққан, айни чоғда унга сиғмайди. Йўқ, бу ёшларда анъанани инкор қилиш, ўз янгилигини мажбурлаб тиқиштиришга уриниш эмас, уларга келган янги фикр олдинги ўзанлардан тошиб, қирғоқларини кенгайтиряпти ва... янги воҳалар яратмоқчи.

Бу тахлит шеъриятда сўзнинг озод масъуллиги мавжуд: ҳар бир ташбеҳ, ҳар бир ислоҳ, ҳар бир ифода тўхтаб, ўз устида ўйлаб олишга ундайди. Бу эса, табиийки, янги шеърхонни тарбиялаб етиштиришга олиб келади.

Мазкур шеърият авлодининг катта фазилати — жуда кўп мутолаа қилади, дунё адабиётининг бугуни билан бирга, ўз адабиётимизни ҳам ўқибўрганиб, ўз тажрибасидан ўтказади. Улар айни тажрибадан ўтказиб ёзган шеър, унутмайлик, она тилимизда воқе бўлади, тўғрироғи, бу воқеликнинг давоми. Кеча, бугун эртанинг боғланишлари — бу тўхтамайдиган оқим, узлуксиз, узилишсиз жараён, шеър ўқиётган одамнинг таассуротида шу азалий ҳаракатнинг ёришиб кўриниши.

Мен эски, консерватив шеърхон ҳолимда янги шеърни берилиб ўқийман ва ўзимдан шубҳага бораман: менга яхши таъсир қилаяптими, демак, бугуннинг шеърини ўқийман, янгиланаётган ўқувчиман.

Эскидан келаётган ўқувчи.
Беҳад севадиган шеърим.

*Кўзинг не бало, қаро бўлубтур,*
*Ким жонға қаро бало бўлубтур...*

"Ашрақат мин акси шамсил каъси анворул худо, Ёр аксин майда кўр деб жомдин чиқди садо" каби ҳар жиҳатдан муаззам маъно ва оҳанг тажассуми бўлмиш минглаб сатрларини яратган буюк шоир шу юксак мартабаси билан ёш бир йигитнинг байтини сўраб олиб, унга татаббуъ боғлаган. Нималар сеҳри бор бу бир байтнинг? Хўп, тарди акс санъати қўлланган, буни ўқиганмиз, тушунамиз, лекин тушунчамиздан жуда кенг маъвога тортиб кетади, бу нимадан? Тил — Сўз санъати, ғазал санъати келади, бизнингча, тарихларни оралаб.

"Ашрақат..." араб лаҳжасини билмаган одамни ҳам уйғотиб, унинг руҳини юксакларга кўтариб кетади. Саҳарлари падарим айтган азон билан уйғонганман, боламан, азон маъносини сўзма-сўз билмайман, мазмуни кўтаринки, баланд руҳ бўлиб кирган вужудимга: тур, тур, қара, дунё уйғонди, дунёга кўзингни оч, баландлаб қара, деяётгандек бўлган. Тафаккурнинг улуғвор суврати, туйғуларнинг муаззам ҳаракати... Навоий ижоди шунинг учун ҳам кўнгилларни яратувчи, туйғулар оламини яратувчи хилқат.

*Кўзинг не бало қаро бўлубтур,*
*Ким жонға қаро бало бўлубтур —*

шу хилқатга мос тушган, унинг кенгликларини мўъжаз ифодалаб, катта куйнинг илк пардасидек, ваъда билан жаранглайди, байт замиридан бошқа маъно излаш шарт эмас. У ойдин, кўнгилда гул ундирадиган ҳароратли, равшан, лекин оҳанги бобомизни бошқа маъноларга, янада улуғвор куйлар яратишга тортиб кетган.

Бир жуда катта кўнгил куйининг бошланғичи, куйни тинглайсиз, куйни тинглаб, ўз ўйларингиз томон қанот чиқарасиз, куйнинг ўзини эса сўз билан изоҳлашга ҳожат йўқ.

Мен туйғулари эски, фикрлаши кўникма толиб Навоий ғазалларини қон-қонимга сингиб келаётган руҳ билан ўқийман.

Мен кўниккан шеърият кўнгил расмини илож қадар тўлиқ қаламга олади, модерн эса кўнгил манзарасини фақат чизгилаб ўтади, шартларга имолайди, туйғуларга ишоралайди, улардан ўзингиз маъно яратасиз. Ҳа, яратасиз. Фаол ижодкорга айланасиз. Бу эскига қарши янгилик эмас, ўша эскининг замиридаги, энди очилаётган, сиз очаётган анъана. Бу анъанага шоир атайлаб амал қилолмайди ёки янгича тафаккур даъвоси уни инкор ҳам эта олмайди. Анъана, анъаналар, дейлик, бу — шеър тарбияси билан кирган тил оҳанглари, ўзбек тилида шеър ёзган одам қувватни шу тилда яратилган жами шеъриятдан олади. Гап бирор устозимизга эргашишда, аниқ бир давр ёки йўналишдан қувватланишдагина эмас, тафаккуримиздаги шеъриятнинг жамулжам таъсиротида.

Менга шунинг учун боғланмайдиган боғланишлар боғланадигандек туюлаверади. Навоийга ошуфта кўнглимда Ҳамид Олимжоннинг:

*Деразамнинг олдида бир туп*
*Ўрик оппоқ бўлиб гуллади...*

сатрларини улуғ аждодимиз ғазалига боғлаб, ўзим учун яқинлик топаман. Бу сатрларда ҳам деразадан қараган бир туп оппоқ гуллаган ўрикдан бошқа баҳорнинг яна нимадир меҳрлари, ҳаётнинг нимадир азалий оҳанглари бордирки, болалигимдан бери менга ҳамроҳлик қилади.

Бугунги нақирон шеъриятда Навоий, Ҳамид Олимжонларга бориб туташадиган шундай бир муаззам куйни кўраман, тўғрироғи, шу куйнинг ичига ўзим ҳам кириб қолгандек бўлиб юраман. Шу куйнинг ичида, масалан, Фахриёрнинг ундан узилмаган ҳолда алоҳида жаранглаб турган оҳангларини эшитаман.

Фахриёр анъанавий шеър шаклу равишларини яхши ўзлаштирган, руҳиятига, сайқалига етган миллий оҳангларни чуқур ҳис қилган ҳолда айрича тафаккур ифодалари, аниқтаниқ ташбеҳлардан мажоз яратади. Шу маънода, у ўз йўли, ўз фикрлаш тарзини ойдин яратган шоир; бу ойдинликда узоқлар кўринади, тикилиб қараганда янги фикр манзаралари бўй кўрсатади. Яна ўзим ишлатган мисолларга қайтсам. Масалан, "Юрак эркка ихтисослашган" сатри "Умуман рўй бермас воқеа, Рўй бергучи менман умуман, Мени излаб юрар моҳият" Фахриёрнинг поэтик дастурига изоҳдек туюлади. Биринчи сатрда ҳижо ҳаракати, худди от жиловини тортиб, тартибли югуришга ҳимо бергандек, мажбуран чекланади: "юрак эркка" — оҳанг синади; "ихтисослашган" эса одамни сергак торттиради: юракнинг уришида эркка интилиш мажбурияти бир қисмат. Бу сатр ҳисҳаяжонга берилмай, совуққон ўйлашга ундайди. Яна модерн шеъриятдаги мажоз унсурлари мисолига қайтсак, кейинги уч сатр бунга яхши семиотик шарҳ. Воқеа рўй бермаяпти, лекин содир бўлаяпти, ўқиган одам уни шеърдан, ташқаридан ахтариши керак эмас, ўзини изласин, унинг ўзи моҳият. Шеърдаги моҳият шуурда очилади, гуллайди, чаман бўлади. Туйғу оҳанглари ҳам ниҳоят фикр намлаган илгариги қуруқ ерда униб, чалинаётган куйга уюшади. Бу маънода унинг "Геометрик баҳор"и шеъриятимизда тубдан янгилик бўлган, чиндан-да, шакл симфониясидир. Бу ҳам, энг аввало, шоирнинг ўзигача бўлган, ўзи тарбиясини кўрган шеър санъати анъаналарини пухта ўзлаштирган ҳолда, шу муайян чегараларни ўзгартира олган жасоратидан.

Фахриёр, ҳали кўп ўрганиладиган, атрофида баҳсу мунозаралар кўпайиб борадиган истеъдод, ўзлигини сақлагани ҳолда бугунги поэтик тафаккур изланишлари жуғрофиясини ҳам шаклий, ҳам мазмунан қамраб олган кўламли шоир.

Юксак шеърият хос ўқувчиларнинг мулкига айланиб бораяпти, тўғри маънода бадиий тафаккур янги шеър кенгликларига чиқаяпти, чиқди ҳам; "модерн шеърият" деб таъкидлаш ҳам бугунги бозор шароитида унинг алоҳидалигини кўрсатиш, унга кўпроқ эътибор қаратишга уриниш. Лекин бу модерн қаердандир келиб қолган ёки уни кимлардир атайлаб олиб кираётгани йўқ. У ўз анъаналаримиз, мавжуд тажрибаларимиздан келиб чиқаяпти ва шеърхоннинг муайян қатламларидан олдинга кетаяпти, бинобарин, айни бадиий тафаккурнинг ривожланиш қонуниятларидан юзага келаяпти.

Албатта, дунё таъсирлари кириб келиб, фикрлаш тарзимизни ўй, ўлчам-андазаларимизни ўзгартираяпти; ёшларимизнинг поэтик тафаккури шу ўзгаришлар босими остида ўзига янги йўл очаяпти. Янгиланиш муайян ўлчамларга сиғмайди, ўз ўлчовларини яратади, лекин моҳиятан бу ўша адабиёт, бизни тарбиялаб ўзига кўниктирган ўша эскиликнинг тубдан давоми, биз ҳам — ўша ўзимиз, бинобарин, адабиётнинг янгиланиши руҳиятимиздаги ўзгаришларнинг инъикоси, шунинг талабидан келиб чиқаяпти. Дунё адабиёти ижодий жараёни тажрибаси анъанадан қочиш ёки уни инкор этишни эмас, балки янгилик яратишда унга таянишни ўргатади. Ҳатто анъаналар инкор қилинганда ҳам, бу амбиция ёки янги усул ёхуд услуб тарғиботи, муайян хартия даражасида қолади. Чунки бадиий ижод, бадиий мушоҳада ифодаси — тил билан; анъана шу тилнинг янгиланишига сингиб кетган; энг илғор новаторлик ҳам шу тилда майдонга тушади, модерн талабида уни шеърий нутқ таркибидан чиқариб ташлаб бўлмайди.

**XXI аср ўзбек адабиёти**

Бугун модерн шеърият дейилганда, қандайдир ёт ёки чекка таъсирлар, фикрий бегоналик эмас, биз кўниккан шеъриятимизнинг ҳали биз кўникмаган жараёни, қонуний ҳосиласи деб тушунаман. Бу ҳосила ўзига йўл очаяпти, холос, ва, буни, ҳар бир хайрли янгиликни кутиб олгандек, қутлаш керак. Фахриёр, Абдували Қутбиддин, Баҳром Рўзимуҳаммад, Азиз Саид... Мен тенгиларга ёшроқ туюладиган бу шоирлар аллақачон ўз сўзи, ўз қарашлари билан нафақат танилган, балки ўзбек поэтик тафаккурига катта таъсир ўтказиб келаётган катта истеъдодлар. Буларга фикрловчи янги авлодлар эргашади. Уларнинг китоблари кам босилаётгани ё улар ҳақида жуда кам гапирилаётгани шеърият хазинасига қўшган гавҳарлари қадрини пасайтирмайди. Маълумлик бугун йўқ, эртага бор, индин яна қайтади. Табиий, энди манзумалар эллик-юз минглаб нусхада босилмайди, босилгани билан бунча тарқалмайди, энди китоб билан бирга унинг ўқувчиси ҳам сараланади, табақаланади, ким яллаю мадҳу саноларни ўқишга мойил бўлса, ким ҳаралаю таралла билан яшайди, юксак шеъриятни авом ўқимайди, бунинг учун уни авом дидига мослаштириш керак бўлади. Юксак шеъриятни, — оддий аксиома, — юксак, яъни диди, фикри юксак одам ўқийди, бунақалар эса, турган гап, ўзи кам бўлади. Изимиздан келаётган авлод яратган шеърият шундай юксакликда, уни ўқиш, уқиш учун китобхон унга қараб баландлашиб бормоғи, китобхонни баландлатиш учун эса, шеърнинг азалий қоидаларини пухта эгаллаб, сўз маданияти, сўз санъати, руҳ бадиияти билан ўз ишига ёндашмоғи лозим; ҳар сатрнинг юрак тепишидек тирик оҳанглари бўлсин, шеър толибини ўзига тортиб турадиган. Ана шунда менинг ҳам модерн таассуротларимда суврат ўз сирларини тўлиғича юз очар эдими — мени истаб, ўзига чорлаб турибдими, бекорга чақираётгани йўқдир, ахир.

**Аҳмад АЪЗАМ**

---

**Таржима жаҳон адабиёти намуналарини халқлар ўртасида тарқатишда буюк воситадир. Эндиликда таржима назарияси ва амалиёти фақат ижодий фаолият маҳсули эмас, балки у мустақил фан сифатида шаклланди. Қадим замонлардан бошлаб тилмочлар (таржимонлар) давлатлар ўртасидаги сиёсий, иқтисодий, савдо, маданий алоқаларда муҳим вазифани бажариб келганлар. Таржимонлик санъатини яхши эгаллаб олиш учун олий ўқув масканларида хорижий тилларни ўрганиш факултетлари ва бўлимлари мавжуд.**

# ТАРЖИМА НАЗАРИЯСИДАН САБОҚЛАР

**Тақриз**

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида алоҳида таржимонлик факултети фаолият кўрсатмоқда. Таржимашунослик фани бўйича дарслик ва ўқув қўлланмалари, таржима назарияси ва амалиётига доир чоп этилган асарлар орасида Иброҳим Ғафуровнинг "Таржимонлик мутахассислигига кириш" (2008), Қудрат Мусаевнинг "Таржима назарияси асослари" (2005), О.Мўминов ва О.Суннатовнинг "Таржима тарихи" (2004, инглиз тилида), Ш.Сирожиддинов ва Г.Одилованинг "Бадиий таржима асослари" (2011), Д.Султонова, Ш.Йўлдошеванинг "Синхрон таржимадан қўлланма" (2005, инглиз тилида) ва бошқа китоблар бор. Яқинда Иброҳим Ғафуров, Омон Мўминов, Носир Қамбаров ёзган "Таржима назарияси" ("Тафаккур бўстони", Тошкент, 2012) ўқув қўлланмаси нашр этилди. Бу китобнинг муаллифлари — машҳур таржимон ва таржимашунос Иброҳим Ғафуров, таржимашунослик бўйича бир неча китоб ёзган йирик мутахассис Омон Мўминов, талантли таржимон ва таржимашунос Носир Қамбаров (у Алишер Навоийнинг "Лисон ут-тайр" асари насрий баёнини инглиз тилига канадалик таржимон Г.Дик ва Т.Маҳмудхўжаев билан бирга таржима қилиб, нашр эттирган). Бинобарин, улар бу соҳани ҳар томонлама яхши эгаллаган мутахассислардир.

"Таржима назарияси" китоби муаллифларнинг назарий ва амалий билимлари, бу фандан сабоқ бериб орттирган тажрибалари асосида ёзилган.

Таржима назарияси ва амалиётининг вазифалари таржима жараёни, таржимоннинг фаолияти, таржима тарихи, таржима принциплари, тартиб-қоидалари, таржиманинг лингвистик масалалари, таржимада миллий руҳни бериш, таржимада ёзувчи услубини сақлаб қолиш каби масалаларни қамраб олади. Бу вазифаларнинг қандай амалга оширилганини таҳлил қилиш таржима танқиди соҳасига тегишлидир. Таржимоннинг маҳорати ва камчиликларини кўрсатиб бериш танқидчининг зиммасига тушади. Муаллифлар таржима назариясининг предмети ва вазифалари ҳақидаги хорижий тилшуносларнинг фикрларини келтириб, адантация, адекватлик, эквивалентлик, трансформация турлари, транспозиция, интерференция каби тушунчаларни изоҳлаб берганлар. Таржимашуносликнинг адабиётшунослик ва тилшунослик, психология ва фалсафа, тарих ва этнография, маданиятшунослик фанлари билан алоқасини алоҳида кўрсатиб ўтадилар.

Таржима назарияси қиёсий тилшунослик ва тилларнинг қариндош ёки қариндош эмаслигидан қатъи назар, улардаги хусусиятларни чоғиштириш натижаларига асосланади. Машҳур тилшунос Р.Якобсон таржиманинг уч турини фарқлаганди: 1) бир тилдаги белгиларни бошқа тилда қайта номлаш; 2) тилларaро таржима; 3) сўзларнинг маъноларaро таржимаси.

Таржимада икки тилдаги тўлиқ синоним ёки вазиятга қараб қўлланувчи синонимлардан фойдаланган тақдирда ҳам бу сўзлар ҳар икки тилда мутлақ синоним бўла олмайди. Бинобарин, синонимларни ҳар икки тилда эквивалент деб қараш ҳам шартли. Масалан, инглиз тилида beautiful — гўзал, handsome — келишган, lovely — кўркам, pretty — сулув сўзлари, маънодош бўлса ҳам уларнинг қўлланиши турличадир. Эркакларга нисбатан handsome — келишган, аёлларга нисбатан pretty — сулув, lovely — кўркам сўзлари қўлланади; beautiful — гўзал сўзи нейтрал сўз сифатида контекстда қўлланиши мумкин, деб ёзади муаллифлар.

Улар таржимада прагматика ва паралингвистика (имо-ишора, мимика, овозни ўзгартириш кабиларни ўрганувчи соҳа) воситаларига ҳам эътибор қаратиш лозимлигини айтадилар. Таржиманинг маданият билан боғлиқ жиҳатлари, асар аслиятидаги миллий руҳни иккинчи тилда сақлаб қолиш масалаларига доир муаммолар ҳам четда қолмаган.

Муаллифлар Оврупо олимларининг таржимонлик фаолияти ҳақида кўпгина маълумотларни келтирадилар. Машҳур инглиз тилшуноси Ж.Кетфорд, АҚШ олими Е.Найда, таниқли рус олимлари Л.С.Бархударов, А.Д .Швейтцер, В.Н.Комиссаров, А.В.Фёдоров ва бошқаларнинг асарларида таржимашуносликнинг тилшунослик билан боғлиқ масалалари ҳақида яхши фикрлар мавжуд. Бу китобда таржима назариясига доир асарлар шарҳлаб берилган. Албатта, бўлғуси таржимон ўз касби ҳақидаги назарияларни яхши билиши зарур.



"Таржима назарияси" китобида кўрсатилишича, улуғ шоирлар Қутб, Сайфи Саройи, Ҳайдар Хоразмий қилган таржималардан сўнг XV асрга келиб уларнинг анъаналарини буюк Алишер Навоий давом эттирди ва бадиий таржимани яна бир неча босқич юксакликка кўтарди.

Китобда Алишер Навоий асарларининг хорижий тилларга таржималари ҳақида ҳам гап боради. Италиялик таржимон Кристофор Армани Навоийнинг "Сабъаи сайёр" асарини ўз тилига таржима қилган. Навоий асарларининг таржимонлари қаторида ўнлаб машҳур хорижий таржимонлар бор. Хусусан, Навоий асарларининг рус тилида ўн жилдда нашр этилишида улкан олим ва таржимон Сергей Иванов, Л.Пенковский, Н.Лебедев, В.Звягинцева ва бошқаларнинг хизмати катта.

"Таржима назарияси" китобида муқаддас Қуръон таржималари тажрибалари ҳам изоҳланган.

XX асрда юртимизда бадиий таржима соҳасида Абдулла Қодирий, Чўлпон, Ҳамид Олимжон, Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор, Ойбек, Мирзакалон Исмоилий, Шайхзода, Миртемир, Зулфия ва бошқалар танилдилар. Кейинчалик Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Рауф Парфи, Озод Шарафиддинов, Иброҳим Ғафуров, Ваҳоб Рўзиматов, Тўхтасин Жалолов, Низом Комилов, Асил Рашидов, Қодир Мирмуҳамедов, Шоислом Шомуҳамедов, Жамол Камол, Амир Файзулло ва бошқалар анъанани давом эттирдилар.

Китобнинг кейинги бобларида таржиманинг лексик, грамматик ва фразеологик муаммолари изоҳлаб берилган. Таржима жараёнида лексик трансформациянинг турлари, номларнинг транскрипция ва транслитерацияси, компенсация ёки гапнинг тушириб қолдирилган қисмини тўлдириш ва бошқа масалалар тушунтирилган.

Муаллифлар баъзи таржимонларнинг тажрибалари ҳақида ҳам ҳикоя қилишган. Жумладан, Абдулла Қаҳҳор Лев Толстойнинг "Уруш ва тинчлик" романини таржима қилиш учун Россияда бўлиб, асарда тасвирланган воқеалар кечган жойларни кўрган, қаҳрамонлар яшаган муҳитни эслатадиган ҳолатлар билан танишган.

Таржима этилаётган асарнинг мазмуни, тили, матн тузилиши, бадиий воситалари, шу асарни ёзган адиб, унинг мамлакати, маданияти, тарихи, урф-одатлари ва бошқа икир-чикиригача яхши билмаган таржимон ножоиз ҳолатларга йўл қўйиши мумкин. Шу сабабли муаллифлар ёшларга қуйидагича маслаҳат берадилар: "Аниқлик талабига риоя қилинмаса, таржимада масъулиятсизлик юзага чиқади. Таржимадаги тил ғарибликлари ҳам ана шу масъулиятсизликдан. Албатта, таржима назарияси принциплари "темир қонун" эмас. Назария нисбий, шартли қоидаларни баён этади. Уларга ижодий ёндашмоқ жоиз".

Мазкур китобда таржима турлари ва методлари изоҳланган. Шу ўринда муаллифлар таклиф этган "таржимонликда интерференция ҳодисаси" янги фикрга ундайди. Лингвистик интерференция, асосан, олти турли бўлади: фонетик, морфологик, синтактик, лексик, семантик, стилистик. Муаллифлар аввалига бешта интерференция турини кўрсатиб, кейин бу қаторга стилистик интерференцияни қўшиб қўйганлар. Бадиий таржимада стилистик интерференция жуда кўп учрайди. Интерференция бир тилдаги ҳодисани иккинчи тилга кўчиришдир. Бу ҳодиса таржимада кўп учрайди, айниқса, унинг шеърий таржимадаги хусусиятлари ранг-баранг. Шу сабабли интерференцияни чуқур ва кенг таҳлил этиш зарур.

Мазкур ўқув қўлланмаси талабаларгина эмас, балки барча таржимонликка қизиққанлар учун жуда фойдалидир. Унда таржимашунослик фанидаги мавжуд тушунчалар, бирликлар, миллий руҳ, турли трансформациялар, лексик-семантик, грамматик ва фразеологик хусусиятлар содда ва тушунарли изоҳланган. Лекин, назаримизда, таржиманинг стилистик жиҳатлари, психолингвистика, этнолингвистика, прагматика, луғат билан ишлаш ва матнга боғлиқ томонлари муаллифлар эътибордан четда қолган. Баъзан китобда изчиллик, системадан четга чиқиш, аввал енгилроқ тушунча ва терминларга изоҳ бериб, сўнг мураккаб муаммоларга мурожаат қилиш принципи бузилиб қолган ўринлар бор.

Масалан, таржима (перевод, translaton) термини 146-бетда изоҳланмай, китобнинг биринчи бобида тушунтирилса, мақбул бўларди. Мазкур "Таржима назарияси" асари бошқа шу соҳадаги китоблардан мисолларга, маълумотларга бойлиги, содда ва тушунарлилиги, таржимонларнинг тажрибалари, таржима тарихи ва унинг ҳозирги тараққиёти масалаларини қамраб олгани билан фарқ қилади. Бу китоб, шубҳасиз, ўқитувчилар учун зарур ўқув қўлланмаси бўлиб қолади.

**Абдузуҳур АБДУАЗИЗОВ,**
**Гуландом БОҚИЕВА,**
**профессорлар**

Шаҳло АҲРОВА

# ОЙНИНГ САДАФ МУНЧОҒИ



## ИФТИХОР

Онамнинг райҳон ҳидли тонгларидай наҳор йўқ,
Томларида қизғалдоқ сеп ёйгандай баҳор йўқ,
Тупроқ йўлда болакай қалбидай беғубор йўқ,
У минган тол отидай учқур йўқ, Бойчибор йўқ!
Ватан шулмасми, асли?

Ўшал гўдак изи бор тупроқ ерлари азиз,
Майли, чўлми, майли тош, дала-қирлари азиз,
Отамнинг ҳар эгатта томган терлари азиз,
Гоҳ бахти, гоҳ жим ютган дарду сирлари азиз!
Ватан шулмасми асли?

Кўзга суриб тупроқни чигит қадаган чоғи,
Кўрганмисиз деҳқоннинг қўлидаги қадоғни?
Онам тебратган бешик қуббасида мунчоғи,
Энди болам тебратсам меҳрнинг йўқ адоғи,
Ватан шулмасми асли?

Тупроқ бўйин ҳидлаш-чун сувлар сепаяпман мен,
Осмонимга ишониб райҳон экаяпман мен,
Ўғлим куёв бўлсин, деб белбоғ тикаяпман мен,
Онам,-болам юзида сени ўпаяпман мен!
Ватан шулмасми, асли!

## ОНА ЭЛИМ

Она элим, онажон элим,
Жоним ичра ёнар жон элим,
Томиримдан томар қон элим,
Сени жондай суйиб яшайман.

Кўзларингда ёнган нур бўлиб,
Пешонангдан томган тер бўлиб,
Қўшиқ бўлиб, тоза шеър бўлиб,
Мадҳинг билан бойиб яшайман.

Меҳнаткашим, қалбим ардоғи,
Кўзга сурай қўлинг қадоғин,
Ерга чигит қадалган чоғи
Замин бўлиб ийиб яшайман.

Кўкка бўйлаб хирмон-зарингни,
Деҳқон отам, ўпиб барингни,
Уфққа туташ далаларингни
Жаннатларга йўйиб яшайман.

Алпомишдан дерлар зотингни,
Юлдузларга битиб отингни,
Осмондайин муҳаббатингни
Кўзларимга қуйиб яшайман.

Эгатларга тикилган жони,
Насибасин бут қил деҳқонни,
Бахтимсан, деб Ўзбекистонни
Юрагимга қўйиб яшайман!

* * *

Бегим, сиз қоясиз, забардаст, ўктам,
Кесмоққа қодирсиз довулнинг кучин.
Майли, қаршингизда тойиниб кетсам
Кўксингизга бир бор суянмоқ учун.

Бегим, сиз қоясиз, нечоғ улуғвор,
Мен чечакман, сизга мўлтираб боққан.
Қоялар бағрида мен сўнмас баҳор —
Қўшиқман, қалбида эҳтирос ёққан.

Қалбимда мағрур деб битилган эртак,
Бегим, сиз қоясиз, енгилмас, нодир.
Лек билинг-ки, ўшал нозик бир чечак
Тош кўксингиз ёриб унмоққа қодир...

## ТУНГИ МАНЗАРА

Оқшом қўнар оҳиста...
Ой оролаб ўзини,
Кўк ҳам қораймай, аста
Қалқиб чиқар сузилиб.

Тақлид қилиб қуёшга
Товланмоқ бўлди чоғи,
Эссиз, кетди узилиб
Ойнинг садаф мунчоғи.

Садаф мунчоқ сочилиб,
Жилоланар фалакда,
Садафларин теролмай
Ой тонгтача ҳалак-да...

## МУҲАББАТ — МАНГУ КУЙ

Баҳорнинг лабидан тоттан бўйимсан,
Оҳулар кўзига ботган ўйимсан,
Тонгларнинг кўксига тўкилган орзу —
Муҳаббат, сен менинг мангу куйимсан!

Гоҳ топиниб, гоҳо нолиб яшайман,
Юз ғамдан юз бахтта олиб яшайман,
Суйган дил бор-ки, чўғ солиб яшайман,
Муҳаббат, сен менинг мангу куйимсан!

Ўзим қовриламан, ўзим куяман,
Азобларингдан ҳам бир завқ туяман.
Билмадим, бунчалар сени суяман,
Муҳаббат, сен менинг мангу куйимсан!

Орзуми, армоним, сен — кимим менинг?
Кўксимнинг оғриғи — сим-симим менинг,
Ҳали очилмаган тилсимим менинг,
Муҳаббат, сен менинг мангу куйимсан!

Бойжигит АБДУЛЛАЕВ

# ЭРТА БУЛ КУНДАН СУЛУВ



## СОЧ

Меҳру ишқим тортдинг ўйнаб ҳам ўриб, жонона, соч,
Ҳиду анбарни таратмиш ул замон ҳар ёна соч.

Гоҳ этарсан халқа-халқа, гоҳ этарсан чамбарак,
Ошиқ аҳлига этиб ҳар толасин афсона соч.

Ўйнашиб еллар билан ҳар ёна тўлқинлар уриб,
Мен каби шайдосини айлади девона соч!

Унга гар тикса кўзини ғайирнинг чиқсин кўзи,
Синса майлига қўлим ҳам ушласа бегона соч!

Ҳеч қурмаса бир бор силаш бўлмаса менга насиб,
Розиман дор бўлса ҳам бўйним аро чулғона соч.

Лек муродим бул эмас, севгим аро боқий бўлай,
Истадим васлингни ҳар дам, бўлди бир баҳона соч.

## ХОЛ

Ёноғингни безар, ёр, бир дона хол,
Эл аро бўлмиш бугун афсона хол.

Вах, қайданам яралган бундоқ мўъжиза,
Ҳабаш Билол рангидан дурдона хол.

Юзингни кўргали бул дам интизор
Дил қушларига бўлмиш седона хол.

Қанча ошиқ бахтига нуқта чекмиш,
Кулгичларингга ҳамдам ҳар она хол.

Холингга ашъор битдим беҳисоб, чун
Дилда илҳом мўл, сенда ягона хол.

## ҲЕЧ КИМДА ЙЎҚ

Сендаги истиғною нозу фироқ ҳеч кимда йўқ,
Бул қадар нозик овозу гул дудоқ ҳеч кимда йўқ.

Не учунким таърифинг булбул каби этмай баён,
Сендаги бу гулбадан, бодом қабоқ ҳеч кимда йўқ.

Вах, дилимнинг тўрига кирдинг, нигор, одоб билан,
Не учун фахр этмайин сендек қўноқ ҳеч кимда йўқ.

Мен дугонанг ўрнида сочларинг ўрсам эди,
Бил, менинг қўлим каби майин тароқ ҳеч кимда йўқ.

Лаълинг шароби дардима бўлгай шифо, эй нозанин,
Боқишинг ўлдирадир, бундай яроқ ҳеч кимда йўқ.

## КУЛДИРМАСАНГ

Кулмас эрдим, ёр кулиб кулдирмасанг,
Боқмас эрдим маҳлиё қилдирмасанг.

Тинч юрардим жисму жоним ўртамай,
Билмас эрдим севги не билдирмасанг.

Ҳажр ўқингдан бу бағир бўлди яро,
Тилмас эрдим сен уни тилдирмасанг.

Тоқатим тоқ, тўлди сабрим косаси,
Тўлмас эрди сен уни тўлдирмасанг.

Васлинг умидида минг йил яшасам,
Ўлдирар боқишларинг, ўлдирмасанг.

Ҳажринг оқшомида йиғлар Бойжигит,
Кўнмагай кўнглим, келиб кўндирмасанг.

## ЎЛТИРУР

Сочларин ўйнаб бу дам ёр ўлтирур,
Анга интиқ қўлларим зор, ўлтурур.

Сочларин ўрмоқдадир дилбар бу дам,
Қўлларига ё олиб дор ўлтирур.

Боқиши жоним олар, қолсам тирик,
Шубҳасиз, икки ўшал мор ўлтирур.

Мен бориб ҳолин сўрай девдим, э воҳ,
Баҳраманд сўзидан ағёр ўлтирур.

Мен бекор ўлдим демагил, эй кўнгил,
Мард йигитни ҳар қачон ор ўлтирур.

Бойжигит, ёр васлини ўйлар мудом,
Арзи додинг айламай кор ўлтирур.

## СУЛУВ

*(Чўлпон ғазалига тазмин)*

"Ой деса Ойдан сулуврок, Кун деса Кундан сулув".
Эй Худойим, борми бандаинг дунёда бундан сулув?!

Ё пари авлодиданму, ё фаришта наслидан,
Дилбаримнинг чеҳраси ҳам эҳтимол шундан сулув?

Икки ул холи ярашмиш ширмойга седонадек,
Борми кўнглум қушларига энди дон-дундан сулув?

Бунчалар унга ярашгай ҳаттоки жаҳл айламоқ,
Воҳ, қабоғин уйса ҳамки неча мамнундан сулув!

Топширурман ихтиёрим ёр сўзини тинглагач,
Бўлдиму ҳинду ёнида морга афсундан сулув!

Умрим ўтмакда менинг ҳам соғиниб ёр васлини,
Ул била бўлгаймикан, оҳ эрта бул кундан сулув.

Бахтиёр НУРИДДИНОВ

# ОТА ВА ЎҒИЛ

Ҳикоя



Ўзи одам шунақа, қариганда инжиқроқ бўлиб қоларкан. Ҳар тугул феъл-атвори ўзгараркан-да.

Ота шаҳарга умид билан келди. Қариганда орттирган дардига даво топарман деб ўйлаган бўлса керак. Ўғли ҳам ҳамма ишини йиғиштириб отасини шаҳардаги кўзга кўринган шифохоналарга олиб борди. Барча таниш-билишларини ишга солди. Манаман деган мутахассисларга кўрсатди.

— Бўлмайди! — дейишди.

Нега бўлмас экан. Шундай катта шаҳарда отасининг дардига шифо топилмаса. Ўғил бўлиб фарзандлик бурчини адо этолмаса. Бу қанақаси?.. Бошқа жойга олиб борди. Энг зўр шифокор дейишди. Майли, дунёни олсин. Фақат отасини даволаса бўлгани.

Одам жуда кўп эди. Ҳамма шифо излаб келган. Навбатга туришди. Ҳаво иссиқ. Диққинафас бўлиб кетди. Отаси ўзидан баттар безовталанди. Анча навбат кутишди. Икки соатлар чамаси вақт ўтди. Ниҳоят, ҳамшира қиз уларни чақирди. Икков бирга киришди. Миқтидан келган, кўзлари думалоқ шифокор ўта жиддий қиёфада қарши олди уларни. Аввалига отасини ётқизиб обдон у ёқ — бу ёғини текшириб кўрди. Савол-жавоб қилди. Касаллик варақаларини синчиклаб ўқиб чиқди. Сўнг отасидан ташқарида кутиб туришини сўради. Ўғил тушунгандек бўлди. Отасининг дарди жиддийга ўхшайди. Улар ёлғиз қолишди. Шифокор фикрларини жамлай олмай бошини ушлаб анча турди. Гапни нимадан бошлашини билмай каловланарди. Бироздан кейин у бошини сарак-сарак қилиб, ачингандек бўлди. Сўнг ўша бедаво чаён ҳақидаги ўзи билган барча нарсаларни тўкиб солди. Ҳақиқатдан ҳам дарди оғир эди. Шифокор ўзининг ожизлигини билдиргиси келмади чоғи:

— Бўларди. Озгина кечикибсизлар, — деди.

Унинг гаплари ёлғон туюлди назарида. Ҳақиқатни айтгиси келмади. Нима бўлганда ҳам катта шаҳарда номи чиққан ахир... Кечгача кирмаган эшиги, учрамаган одами қолмади. Қаерда нажот учқуни бўлса олиб борди. Чиқмаган жондан умид. Бироқ ҳаммасидан бир хил гап эшитарди: «Бўлмайди!»

Бу сўзни шундай ёмон кўриб қолдики, ҳатто қулоқлари тагида акс-садо бериб шанғиллаётганга ўхшарди. Буни отаси билмайди. Ўғлим ҳаммасини уддалайди, деб ўйлайди. Ахир, катта шаҳардан анқонинг уруғини топиш мумкин. Ҳеч қаердан умид қолмади. Кечга яқин уйга қайтишди. Эшикни очишлари билан беш яшар ўғли отасининг қучоғига отилди.

— Бобом келдилар, — деб маҳкам бўйнидан қучоқлаб олди.

Отаси ҳамма дардини унутди. Бола меҳри уни юмшатди, шекилли. Отаси сотиб олишга қачон улгура қолган экан, набирасининг қўлига турли ўйинчоқлар, ҳар хил ширинликлар тутқазди. Ўғли бобосининг тоби йўқлигини билмайди. Барча ўйинчоқларини олиб келиб бобосига «кўз-кўз» қилади. Бирма-бир номларини айтиб, таништиради. Отасининг мадори йўқ. Шундай бўлса ҳам билинтирмай набирасининг саволларига эринмай жавоб беради.

— Энди бизникида яшайсиз-а? — сўрайди ўғли.

— Албатта, — жилмаяди отаси. Вақт ўтган сайин дард зўрайиб, оғриқ кучайиб бораётгани юзларидан сезилиб турибди. Кўзлари ҳам киртайиб қолган. Отага қараб ўғилнинг юраги эзилади. Наҳотки, отаси кўз ўнгида сўлиб борса!..

— Ё тангрим! Ўзингдан ўзгада нажот йўқ. Отамга умр бер, — деб, йиғлаб юборди айвонга чиқиб ўғил.

* * *

Эртасига тонг саҳарда отасининг ҳазин инграшидан уйғонди. Туриб қараса, аранг бомдод намозини ўқияпти. Ўғли қачон уйғонди экан, синчковлик билан отасининг хатти-ҳаракатларини ёнида кузатиб ўтирарди. Бобосига тақлид қилиб, бир нималарни такрорлаб пичирларди. У ўғлининг бу қилиғидан жилмайди. Отаси нонушта пайти ўғлига:

— Болаларни яхши тарбия қилинглар, — деди. – Бугун қайтаман. Уйни соғиндим. Қорадарёнинг шовваларини тушимга кириб чиқди... Анорларам гуллагандир.

Қишлоқда, ҳовлиларининг этагида катта анорзор бор эди. Отаси эсини танибдики ўзи парваришлайди. Боққа сув Қорадарёдан келади.

«Она дарё, — дерди отаси Қорадарёни. — Ҳаммага ризқ олиб келади. Агар у бўлмаса бу жойларда бир гиёҳ унмасди. Шуни билиб қўйгин, ўғлим!».

— Бугун бошқа шифокорларга кўрсатаман, отажон. Ҳали яхши бўлиб кетасиз.

— Йўқ, — деди қатъий оҳангда отаси. — Худонинг ишига аралашма.

Ўғли индамади. «Бироз қолинг» ҳам дея олмади. Отасининг одатини билади. Айтдими, бас. Ўз нотавонлигидан ўкинди. Туриб отасини даволатиб шифохонадан чиққанида елкасига ташлайман, деб атаб қўйган янги чакмонини олиб чиқди.

— Бунинг нимаси?.. Қўйсанг-чи! Топганларингни ўзларингга сарф қилинглар. Дунё ғанимат. Яхши яшанглар. Невараларимни едириб-ичиринглар. Наслимиз чироғи шулар, — деди отаси.

— Келинингиз билан бирга олувдик. Сизга тўғри келади, — деди базўр ўғли.

— Қуллуқ бўлсин, дада! – деди келини ҳам кира солиб.

— Раҳмат, — деди отаси ўксик товушда. — Кўп яшанглар...

Отаси дуо қилди. Ўғли бобосига "Кетиб қолманг", деб роса хархаша қилди. Оёқларига маҳкам ёпишиб олди. Отаси уни тепага кўтармоқчи бўлди. Қуввати етмади.

— Ҳеч бўлмаса неварамни бағримга босишга ҳам қўймайди бу қурмағур, — деди секин жилмайиб. — Мени кўргани борасанми?..

Ўғли бошини қимирлатди.

— Сенга анор чивиқдан от ясаб бераман. Шунақасини кўрганмисан?..

— Йўқ.

— Мен сендақалагимда ўшандайини минганман.

— Ўзиздақасидан ясаб берасизми? – эркаланди ўғли.

— Албатта.

Бола овунди. Қария йўлга чиқди. Кўнглига қил ҳам сиғмаётганди. Ҳарчанд яширишга уринмасин, ўғли буни билиб турибди.

— Кузда анор ейман десанг, баҳорда анорзорга сувни яхши тараш керак. Бўлмаса гул тўкворади. Қарабсанки, ҳосил ҳам йўқ, — деди отаси йўлда.

Ўғли индамади. Ўз ёғига ўзи қовурилиб борарди.

— Сен кўпам сиқилма. Ҳаммаси худодан. Ўзи шифо берса, одам боласининг ризқи узилмайди.

— Керак бўлса хорижга жўнатаман, дада. У ёқда бир пасда даволашади.

Отаси истеҳзо билан кулди.

— Сеникига базўр келдим, у ёққа йўл бўлсин. Илигимда қувват йўқ. Ўз уйинг — ўлан тўшагинг. Ҳеч нарсани ўйламайсанам. Бугун уйга етволсам бўлди. Оёқ-қўлимни чўзи...иб дам оламан. Онанг менга яхши қарайди. Шифокорларинг такаббур бўп кетибди. Сен бўлсанг катта шаҳарга ўрганиб қопсан.

Инсон хаёли чексиз. Бир зумда дунёни айланиб чиқади. Ўғли хаёлга толди. Отаси буни сезди. Ўзининг ожизлигидан сиқиляпти, деб ўйлади.

— Эҳ болам-а. Кўп ўқибсан-у, уқмабсан. Дунёни ҳеч кимга боғлаб бермаган. Худога шукр, яхши яшадик. Сизларниям ўқитдим. Уйли-жойли қилдим. Етмиш йил ёмон ёшмас. Армоним йўқ, — деди дадиллашиб. – Яна нима қолди?.. Ҳеч нарса. Бу ёғи энди зерикарли... Яна билмадим. Бироз вақт берса, биргалашиб невараларнинг тўйини қилардик.

Отаси жилмайди. Ўғли яна индамади. Қовоғини уйиб олди. Бўғзида нимадир пахсадек қотиб турарди. Оғзини очса аниқ ўкириб юборади. Тўлиб турибди. Кўз ёшлари ҳам қабоғини ёрай деяпти. Кўзини олиб қочди...

...Кеч тушди дегунча ака-укалар кўчага чиқиб олиб ота йўлини пойлашарди. Ўтган-кетганни кузатишарди. Оёқ товушларига қулоқ тутишарди. Кўчада бирор зот қолмаса ҳам улар термулиб ўтиришаверарди.

Ит, мушукларнинг девор оша чопишлари бошланарди. Қурбақаларнинг вақиллашарию калтакесакларнинг соатга ўхшаб чиқиллашлари авжга минарди. Вақт ўтарди. Отаси бўлса келмасди. Кўзларини уйқу босарди. Ака-укалар совуқдан жунжикиб бир-бирларига яна ҳам яқинроқ ўтириб, қунишиб олишарди. У эснаб ишқалана бошлаганда акаси turткиларди:

— Ухлаб қолма, ҳозир дадам келади...

Кута-кута тинкалари қуриганда бир пайт тун пардаси очилиб, ростданам отаси пайдо бўларди. Келишган, ҳайбатли. Юрганда ҳам «гурс-гурс» этиб ерни тепиб қадам босадиган.

Яқинлашганда ҳаммаёқни отасининг иси босиб кетарди. Ўзгача ҳиди бор эди.

— Ие-ие, мени боботойларим-ку! Бу ерда нима қиляпсизлар?.. Отангларни кутяпсизларми?.. Баракалла, баракалла, полвон ўғилларим. Қани юринглар-чи! – дерди ўктам овозда, пешонасидаги терларини артиб.

Ҳаммалари қувнаб кетишарди. Айниқса укаси. Дадасининг бўйнига осилиб оларди. Отаси бирма-бир меҳр билан эркаларди.

Ўттиз йил бўлибди шунгаям.

Шуларни ўйлаб кўнгли ёришди. Отаси ўғлига қараб қўйди. Унинг кайфияти яхшиланганини кўриб хурсанд бўлди. Хайрлашаётиб узоқ бағрига босиб турди. Худди болалигидагидай отасининг ҳидини туйди. Нафасини жудаям яқиндан ҳис қилди. Худди аввалларлагидек. Қўйворгиси келмасди. Ноилож хайрлашдилар.

Отаси жўнаб кетди.

* * *

У кунлари қандай ўтганини билмади. Ҳафта, ой... Нохуш хабарни ким унга етказаркин. Ундоқ бўлмади. Ҳеч қачон одамнинг айтгани бўлмайди. Ўйлаганидек яхши хабар ҳам, ёмон хабар ҳам эшитмади. Отанг сени сўраяпти, деб чақиртиришди уни. Тез етиб борди. Отаси аксинча набирасини сўради.

— Боботойим қани? — деди эркалаб.

Ўғлини чақирди у. Набираси кела солиб бобосини қучди. Отаси туришга ҳаракат қилиб кўрди. Аммо бўлмади. Тўшакка михланганди. Набираси олдида ўзини бардам тутишга уринди. Кўрпалари қатидан анор новдасидан ясалган узун хивични олди ва набирасига узатди. Отаси тушмагур барибир айтганини қилибди.

— Бу сенга, — деди инқиллаб.

Хивичнинг юқори қисми нақшинкор ўйилиб гавроннинг нозик, ички пўстлоғидан тўқилган ип билан боғланганди. Худди отга юган таққандек эди. Ўғли болаларча қувониб кетди. Хивич отни миниб хонани бир айланиб чиқди.

— Сенга ёқдими? – деди отаси кулимсираб.

— Зўракан, бобо, — деди набираси.

Отасининг дарди зўриқиб борарди. Ўғиллари буни сезиб туришарди. Акаси ўғлини хивич оти билан секин кўтариб олди.

— Бобонг бироз дам олмоқчи, — деди.

Отаси буни хоҳламади.

— Ўз ҳолига қўй, — деди зўрға оғир оҳангда. – Қувончини бузма!

Акаси ўғлини пастга туширди.

— Боғишамолда эртаки оқўриклар пишган бўлса керак. Егим келяпти, — деди отаси.

— Бориб келайми? – сўради укаси.

Отаси унга қаради.

— Сен териб келақол, — деди отаси.

— Хўп бўлади, — деди у ўғлини ёнига олиб.

— Қайтишда Оқбулоқнинг сувидан ҳам ола келинглар. Ичгим келяпти, — деди отаси кўзлари ёниб. – Зора мадор бўлиб тузалиб кетсам.

Ўғил тушунди. Отаси набирасига ожиз кўрингиси йўқ. Ўғли бобосини ҳамиша кучли, ҳамма нарсадан қўрқмас, деб билади.

Боғишамолда ростдан ҳам отаси айтганидек оқўриклар ранг олибди. У қуёш нурида товланаётган каттакон ўрик мевасига қўл чўзди. Узаётганда ичидан нимадир «чирт» этиб овоз берганга ўхшади. Юраги қалқиб кетди. Аъзойи баданида титроқ турди. Сезди, отасига нимадир бўлган. У шошилди. Пишиб етилган оқўрикларни териб саватни тўлдирди. Ўғли бўлса, қийғос очилиб ётган лолақизғалдоқлардан бир даста териб олди. Йўлда Оқбулоққа кириб, аввал сувидишни тўлдиришиб, сўнг ўзлари ҳам ичишди. Булоқ суви шифобахш эди. Ичганда танани яйратарди. Отасининг сўнгги умиди шу. Зора шифо топса.

Ота-ўғил уйга қайтишди. Юрган сари йўл узоқлашаётганга ўхшарди. Янаям илдамроқ ҳаракат қилишди. Ўғли ариқ бўйларидаги чучмомаларга алангларди. Термокчи бўларди, отаси торткилаб қўймасди. Уйларига яқинлашганда дарвоза ёнида одамлар йиғилганини кўрди. Ўғли ҳам эсидан чиқиб қадамини тезлатди. Юриб келдими, югурибми билолмади. Фақат дарвозахонадан шошиб ўтиб, йиқилиб тушай деганда уни қўшнилар ушлаб қолишди. Ўғли кира солиб бақира кетди.

— Бобо, қаранг сизга нима олиб келдим. Ҳаммаси қип-қизил... Қаранг!!

Улар кечикишганди.

— Қачон?!.. — сўради у икки билагидан ушлаб турган одамлардан. Дунё кўзига қоронғу бўлиб кетганди. Кўз олдида мавҳум чизгилар, тушуниб бўлмас шарпалар ғимирларди, холос. Ҳеч ким унга жавоб қилмади.

— Ярим соат бўлди, ярим соат! – деди укаси ҳиқиллаб.

Акаси шиддат билан югуриб бораётган ўғлини тўхтатди. Қўлидаги лолақизғалдоқларни олмоқчи бўлганди, бермади.

— Ўзим бобомга обораман, — деди эркаланиб. У ҳеч нимани тушунмасди.

— Бобонг ухлаб қолди. Кейин олиб кириб берасан, хўпми? – деди акаси. Ўғли «хўп» дегандек бошини қимирлатди.

У ичкарига кирди. Отаси юзларидан нур ёғилиб ўринда ётарди. Қўлидаги оқўрикларга тўла саватни ва булоқ сувини отасининг ёнига қўйди. Энди улар ҳеч кимга керак эмас эди. Ичидан кўзёш отилиб келди. Кўзларини маҳкам юмиб олди. Барибир «дув-дув» ёш сизиб чиқди. Ўзини тутиб туролмай «отажон» деб ўкириб юборди. Ташқаридан қари онасининг «бегим»лаб йиғлагани эшитилди. Сўнг акасини, кейин укаси, синглисини... Кетма-кет амакиларининг овозлари эшитила бошлади. Салдан кейин ташқарида ўғлининг «Бобожон!» деган чинқириғи ҳаммаёқни ларзага солди. У типирчилаб ичкарига талпинарди. Аммо қўйишмасди.

— Бобомни бир кўрай, — деб ялиниб-ёлворарди ўғли. Уни ҳеч ким тушунмасди. Ҳатто нолаларига қулоқ ҳам тутиб кўришмасди. Ўғлининг муштдек қалби катта йўқотишни ҳис қилаётганди. Унинг ташқарига чиққиси, ўғлини бағрига босиб-босиб йиғлагиси келди. Шу пайт катта амакиси елкасидан тутди.

— Чиқинглар энди, уят бўлади! — деди кўзларини белбоғини бурчига артиб.

У ташқарига чиқиб бир четда шумшайибгина ўтирган ўғлининг ёнига борди, отаси ўзини сўнгги бор қучганидек, уни маҳкам қучоқлаб олди. Бошини елкаларига қўйиб унсиз йиғлади. Ўғли отасининг бу ҳаракатларидан эсанкираб қолди. Жажжи қўллари билан отасининг сочларини силади. У, болалигида отасининг соқолли юзларига юзини босиб эркалангани каби, ўғлининг болаларча меҳрини туйди.

— Йиғламанг, дада! – деди ўғли қатъият билан. У иродасизлигидан уялди. Ўғлининг олдида бундай қилмаслиги керак эди. Вужудидаги титроқни, ўкинчни тутиб туролмагани учун ўзини койиди. Ўғли кўзёшларини артиб:

— Йиғламасам, бобомни кўрсатишадими? – деди жиддий қиёфада. Унинг атрофида лолақизғалдоқлар сочилиб ётарди. Отаси совға қилган ёғоч от ҳам бир четда ишком устунига осилиб қолганди. У секин ўғлининг қўлидан ушлаб ичкарига юрди. Остонада уларнинг йўлини онаси тўсди.

— Сўнгги бор видолашсин, — деди у.

Онаси анча чўкиб, жимитдеккина бўлиб қолганди. Қовоқлари ҳам қизариб кетибди. Онаси набирасини бобосининг олдига олиб борди. Ўғли катталардек мағрур турди. Охирги бор бобоси юзларига тўйиб-тўйиб қаради. Қанчалик ўзини ушлашга ҳаракат қилмасин термулган сари кўзларидан ёш сизарди. Ҳеч кимга билинтирмасдан «пиқ-пиқ» этиб охири йиғлаб юборди. Отаси ўғлини кўтариб олди. Хаёлида ўғил бўлиб отасини сўнгги йўлга кузатиши, ота бўлиб эса ўғлига ўрнак бўлиши, унинг келажаги ҳақида қайғуриши кераклигини ўйларди. Отаси ҳам бобосини шундай қилганига, вақти келиб ўғли ҳам ўзини мана шундай абадият сари элтишига ишонарди.

Ўша куни туни билан ёмғир ёғиб чиқди. На ўзи, на ўғлининг уйқуси келди. Ота-бола ташқарига чиқишди. Отасининг уйида чироқ ёниқ эди. Дераза токчасида бўлса саватга солинган оқўриклар, сувидишда Оқбулоқнинг суви турарди. Ойдин тунда оппоқ ёмғирлар шаррос қуярди... Ўғли бобосининг уйига кириб сопол идишга Оқбулоқнинг сувидан бир коса қуйиб чиқди.

— Ичинг! – деди отасига узатиб.

Ўғлининг сўзидан этлари жимирлаб кетди. Овозида отасиникига ўхшаш куч бор эди. У беихтиёр бир кўтаришда сувнинг барисини симирди. Кийимлари шалаббо бўлиб кетганди. Бўшаган идишни кўрган ўғли секин чўнтагидан оқўрикларни олиб ея бошлади...

# САНЪАТКОРНИНГ ИККИНЧИ УМРИ

**Атоқли саҳна устаси, Ўзбекистон халқ артисти Наби Раҳимов Қўқон шаҳрида оддий мисгар оиласида таваллуд топди. Болалик чоғлариданоқ санъатга ошуфта бўлган ёш Наби, шубҳасиз, чинакам истеъдод соҳиби эди. 15 ёшидан Қўқондаги драма тўгарагида қатнашиб, кичик-кичик роллар ижро эта бошлади. Концертларда ашулалар айтди, конферансьелик қилди.**

Наби Раҳимов 1930 йили ҳозирги Ўзбек Миллий академик драма театрига ишга қабул қилинди ва умрининг охиригача шу даргоҳда фаолият кўрсатди.

У саҳнада гавдалантирган Яго ("Отелло"), Болтабой ("Она"), Мажидиддин ("Алишер Навоий"), Қўзиев ("Шоҳи сўзана"), Шокир ота ("Қутлуғ қон"), Хлестаков ("Ревизор"), Мамасолиев ("Парвоз"), Раис ("Рад этилган келин") каби ўнлаб образлар ўзбек театр санъати тарихида ёрқин саҳифаларни ташкил этади.

Наби Раҳимов қандай рол ижро этмасин, энг аввало, ўша персонажнинг алоҳида, индивидуал хусусиятидан келиб чиққан ҳолда иш тутарди. Масалан,


Наби Раҳимов ижодкор дўстлари билан

Хлестаков роли устида ишлар экан, драматург талқинига монанд иш тутади: сира ўйлаб-нетиб ўтирмасдан шарт-шурт гапираверадиган, бирон-бир аъмолга узоқ зеҳн қўя олмайдиган, пўк, шуҳратпараст, олифта инсоннинг қиёфасини яратади.

Ўзига ҳам, ўзгага ҳам талабчан бўлган Наби Раҳимов барча роллар актёр учун бирдай аҳамиятга эга, деган тамойилга амал қиларди. Шунинг учун у яратган энг кичик эпизодик роллар ҳам ижтимоий моҳият касб этувчи йирик образлар даражасига кўтарилган. Бунга Шокир ота ("Қутлуғ қон"), Бобо Кайфий ("Мирзо Улуғбек") образлари ёрқин мисол бўла олади.

Бу улкан актёр яратган ёрқин образлардан бири "Отелло" (Шекспир) трагедиясидаги Яго образидир. Яго – ақлли, лекин олижаноб инсоний фазилатларни кўролмайдиган, пасткаш ва муртад одам. Наби Раҳимов унинг ана шу характерли хусусиятларини реал гавдалантириб бера олган.

Устоз санъаткор йигирмага яқин филмларда ҳам турли-туман образлар яратган. Унинг экрандаги илк образи З.Собитовнинг "Стадионда учрашамиз" кинокомедиясидаги бухгалтер Алиев бўлди. Шаддод хотини қаршисида дағ-дағ титрайдиган бу бухгалтер янги агроном келиши билан даводиз "дард"га чалинади: футболга меҳр қўя бошлайди. Бу йўлда қайсар раис, танноз хотини қаршиликларини енгишига, уларнинг тақиқ ва таъқибларига чап беришига тўғри келади. Ана шу номувофиқ вазиятлар туфайли вужудга келган комик лавҳаларда Алиев – Раҳимов томошабинни чинакам кулдирадиган ҳолатларни топа билади.

Наби Раҳимовнинг кинодаги салмоқли ролларидан яна бири "Мафтунингман" филмидаги иккинчи режиссёр образидир. Мазкур образ орқали актёр халқ истеъдодларини излаб юрган режиссёрнинг саргузаштларини комик планда талқин қилади.

Устоз санъаткор ҳар қандай ушоқ ролга ҳам жон кирита оларди. "Жўра" бадиий филмидаги кекса қорақалпоқ баликчиси Жодугар оға, "Ўтган кунлар"даги ҳунарманд косиб, "Фидойи"даги қишлоқ фаоли Қосим ака каби бир қатор образлари ўз қиёфаси, характери билан ажралиб турадиган қаҳрамонлардир.

**Ёднома**

"1941 йил олмалари" бадиий филмида (режиссёр Равил Ботиров) Н.Раҳимов яратган бош қаҳрамон кекса чойхоначи образини томошабинлар ҳамон миннатдорлик билан эслайдилар. Наби ака сира тинибтинчимасди. Барвақт туриб репетицияга, ундан чиқиши билан Ўзбекистон радиосининг "Табассум" устахонасига шошиларди. У ердан киностудияга – дубляжга йўл оларди. Кечқурун эса спектакл. У ҳамма ерда керак, ҳамма ерда зарур эди. "Ҳаёт менинг биринчи устозим", деган эди Наби Раҳимов.

Дарҳақиқат, Наби Раҳимов бир умр ҳаётни синчковлик билан кузатди, кишиларнинг характерли хусусиятларини зеҳн билан ўрганди. Уларни актёрлик "жамғарма сандиғи"га яшириб қўйди. Бироқ унинг актёр сифатидаги кузатишлари характерларни қандай бўлса, шундайлигича кўчириш учун эмас, балки зарралардан мисқол, мисқоллардан бақувват саҳна дурдоналари яратишида қўл келди.

Миллий театримиз актёрлар учун катта бир дорилфунун. Ана шу дорилфунунда таълим олганлардан бири — Ўзбекистон халқ артисти, Давлат мукофоти соҳиби, халқимизнинг севимли санъаткори Наби Раҳимовнинг ўзи ҳам мактаб яратиб кетди. Шу мактабда таълим олган кўплаб таниқли актёрлар энди ўзлари шогирдлар тарбиялаб вояга етказмоқдалар. Демак, устоз-шогирдлик анъаналари давом этмоқда.

**Эркин УМАРОВ,**
**профессор**

* * *

17 сентябр куни Ўзбек Миллий академик драма театрида атоқли санъаткор Наби Раҳимов ижодига бағишланган хотира кечаси бўлиб ўтди.

Кечани Маданият ва спорт ишлари вазири Т.Қўзиев очиб, устоз санъаткорнинг ўзбек миллий театри ривожига қўшган ҳиссаси ҳақида гапирди.

Тадбирда, шунингдек, "Ўзбеккино" Миллий агентлиги бош директори Аъзам Исҳоқов, таниқли санъаткорлар Ёқуб Аҳмедов, Яйра Абдуллаева, Рихси Иброҳимова, Турғун Азизов, Исамат Эргашев, Санъат Девонов, Ёдгор Саъдиев, Эркин Комилов, Теша Мўминов, Тоҳир Саидов, Абдурайим Абдуваҳобов устоз санъаткорнинг театр ва кино санъати равнақига қўшган ҳиссаси, хотираларидан сўзлаб бердилар.

Пойтахтимиздаги Муқимий номидаги, оперетта, ёш томошабинлар театрлари актёрларининг чиқишлари, қизиқчи Шерали Хожиев ҳангомалари, таниқли хонанда Насиба Сатторова ижросидаги ашулалар, спектакллардан ижро этилган лавҳалар хотира кечаси алоҳида файз киритди.



**Самарқанддаги Мирзо Улуғбек расадхонаси ёнида қад ростлаган "Юлдуз" саройини безатиш ишларига устоз мусаввир Чингиз Аҳмаров бош-қош бўлган. Истиқлол байрами арафасида Президентимиз фармонига мувофиқ "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими" унвонига сазовор бўлган таниқли рассом Темур Саъдулла ҳам шу ишда қатнашган эди. "Бўладиган бола ёшлигидан маълум" деганларидек ўша вақтлардаёқ ёш рассом Чингиз акадай буюк миниатюрачи мусаввирнинг меҳрини қозонганди.**

# НАВОИЙГА ОШУФТА МУСАВВИР

Ғаллаоролнинг Қангли қишлоғида туғилиб ўсган Темурнинг отаси халқ достонларини ёд биладиган, Навоий ва Фузулий ғазаллари маъносини чақишга қодир билимли кишилардан эди. Оиладаги муҳит сабаб Темуржоннинг қалбида рассомликка муҳаббат эрта уйғонди. Ўқувчилик йилларида дала шийпонининг оқланган деворига ҳазрат Алишер Навоий суратини чизгани ёдида. Ўшанда Темурдан "Бу сенинг ишингми?" деб сўраган муаллими "Ҳа", деган жавобни эшитгач, "Яхши қилибсан, кечаси билан ухламай шу суратни чизганинг учун сени бугун пахта теримидан озод қиламан...", деган экан.



Шундан сўнг Темур янада иштиёқ билан расм чизишга киришиб кетди. Ҳозир эса ўша чизган расмини эслаб, Навоийдек улуғ зотни жуда оддий қилиб тасвирлаганидан уялади. Ўхшаса бўлди, деб ўйлаганди у. Лекин фақат ўхшашлик билан иш битмаслигини, рассомликнинг сир-синоатлари бисёрлигини Тошкент давлат педагогика институтининг бадиий графика факултетида ўқиганида, Чингиз Аҳмаровдек буюк устозга шогирд тушганида, дастлабки асарларини яратганида тушуниб етди.

— Рассомлик ҳамма ҳам илғайвермайдиган, кўравермайдиган нарсаларни, нозик туйғуларни чизгиларга кўчириш экан, — дейди у. — Шоирлар сўз билан иш кўрганидек, биз бўёқ билан "фикр" юритамиз.

Қўлига мўйқалам олгандан буён аждодлар санъатига, Камолиддин Беҳзод бошлаб берган, Чингиз Аҳмаровдек устозлар мўйқаламида замонавий мазмун касб этган миниатюра сир-асрорларига ошуфта бўлди. Бу ижод тури рассомга илҳом бағишлади. Алишер Навоий "Хамса"си асосида деворий суратлар ишлади, Алпомиш ва Барчин полотноларини яратди. Айниқса, "Ҳамид Сулаймон", "Воҳид Зоҳидов" портретлари мухлислар қалбида чуқур из қолдирди.

Юртимизда китоб графикаси ривожига қўшган ҳиссаси эса алоҳида бир мавзу.

— Миниатюра жуда ноёб санъат, — дейди рассом. — Ундаги ҳар бир ранг, ҳар бир чизги қаҳрамоннинг ички дунёсини очишга хизмат қилади. Мен "Оналик бахти" суратини ишлаётганимда бутун ўзбек аёлларининг ички оламини очиб беришга ҳаракат қилдим.

Темур Саъдулла Алишер Навоий сиймосини яқин 45 йилдан буён чизади. Ҳар сафар буюк мутафаккирнинг ички дунёсини янада чуқурроқ очишга ҳаракат қилади.

Ўз касбига садоқат, санъат йўлида машаққатларни енгиб ўтиш, аждодлар иши, устозлар бошлаган хайрли ишларни давом эттириш Темур Саъдуллага обрў-эътибор келтирди. У Алишер Навоий номидаги давлат музейининг бош рассоми,

**Рассом ва замон**

2008 йили Ўзбекистон Бадиий академиясининг кумуш медали билан тақдирланди.

Бугун ҳам Темур Саъдулла бой маданий меросимизни акс эттирувчи полотнолар яратяпти. Унинг асарлари Россия, Голландия, Покистон каби давлатларда намойиш этилган. Юртимизда ўтказилаётган кўргазмаларда мусаввир мунтазам иштирок этиб келади.

— Президентимизнинг Фармони билан берилган унвон зиммамга масъулият юклаш билан бирга, янги асарлар яратишга даъват этади, — дейди Т.Саъдулла. — Мумтоз адабиётимизнинг шоҳ асарлари мазмун ва моҳиятини замонга мослаб рангтасвирга кўчиришни дилимга тугиб қўйдим. Замондошларимизнинг эзгу ишларини, қиёфаларини авлодларга қолдириш керак. Келажаги буюк давлатнинг ҳақиқий қаҳрамонларини яратиш биз рассомларнинг бурчимиз. Шундай асарлардан кўргазмалар қилмоқчиман. Туғилиб ўсган қишлоғим ҳақида "Ғаллаорол замини" туркумида асарлар яратсам дейман. Юксак унвон бу режаларни амалга оширишимда ижодий куч ва илҳом бағишлайди!

**Пардабой ТОЖИБОЕВ**

# МЕН ОРЗУ ҚИЛГАН ТЕАТР

Бошланиши биринчи саҳифада.

Истиқлол йиллари театримизда юз берган ўзгаришлар шу билан чекланиб қолгани йўқ. Аввало, театримизга "Ўзбек Миллий академик драма театри" мақоми берилганини алоҳида таъкидлаш лозим. 2001 йилнинг 21 сентябрида содир бўлган бу воқеа театримиз тарихида янги саҳифа очди. Буюк аждодларимиз хотирасига бағишланган қатор спектакллар саҳна юзини кўрди. Шунингдек, жаҳон драматургиясининг юксак намуналари ҳам назардан четда қолгани йўқ. Саъй-ҳаракатларимиз зое кетмади. Репертуаримиз ранг-баранг асарлар билан бойиб, ижодий изланишларимизни халқаро фестивалларда ҳам намойиш этиш имконига эга бўлдик. Эътиборли жиҳати, театримизда ўн бир йил муқаддам бошланган ушбу ижодий жараёнлар ҳамон давом этаётир.

Санъат ихлосмандларининг хабари бор, сўнгги йилларда замонавий қаҳрамон сиймосини яратиш борасида жиддий изланиш олиб борилмоқда. Давримизнинг долзарб муаммоларига бағишланган "Огоҳ бўлинг, одамлар", "Тақдир синовлари", "Қуёшни сен уйғотасан" каби қатор спектаклар шу изланишлар самарасидир. Ижодим мисолида гапирадиган бўлсам, ўтган йиллар мен учун катта маҳорат мактаби вазифасини ўтади. Кўплаб спектаклларда ижро этган ролларим мухлислар эътиборига тушди. "Алишер Навоий", "Донишманд Натан", "Макр ва муҳаббат", "Гамлет", "Рустам" сингари классик спектакллардаги ролларим ижодкор сифатида шаклланишимда муҳим аҳамият касб этди. Санъатдаги йўлимни топишимда устозларимнинг ҳам ҳиссаси катта бўлган. Ёқуб Аҳмедов, Турғун Азизов, Эркин Комилов, Жамшид Зокиров, Рихси Иброҳимова, Ғайбулла Ҳожиев, Теша Мўминов, Валижон Умаров сингари актёр ва режиссёрлар билан мулоқот маҳоратимни чархлади. Қувонарли жиҳати, саҳнадаги ижодий изланишларим бесамар кетгани йўқ. Мустақиллигимизнинг 20 йиллиги арафасида Президентимиз фармони билан "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист" унвони билан тақдирландим. Бу мен учун катта ижодий рағбат бўлди.

Ўтган мавсум умуман ўзбек театри ҳаётида самарали бўлди, десам янглишмайман. Чунки республикамизнинг барча театрларида томошабинларни фикрлашга чорлайдиган асарлар яратилди. Бундан ташқари, пойтахтимизда бир эмас учта нуфузли театр анжумани ташкил этилди. "Stayle.uz" санъат ҳафталиги доирасида "Theatre.uz" халқаро фестивали ўтказилгани саҳна санъати ривожида муҳим одим бўлди. Театримиз репертуаридан ўрин олган асарлар орасида замонавий мавзудаги миллий драматургиямиз намуналари салмоғи ошди. Оила, унинг фаровонлиги мавзуига бағишланган спектаклларнинг мавжудлиги эътирофга лойиқ. Жумладан, ўзим ҳам "Яраланган оққуш ноласи", "Йиғлама қиз" каби спектаклларда бош ролларни ижро этдим. Ростини айтганда, саҳнада замондошларимиз қиёфасини акс эттириш осон бўлгани йўқ. Баъзи томошабинлар бундай асарларда рол ижро этиш актёрларга катта қийинчилик туғдирмайди, деб ўйлайди. Чунки замонавий мавзудаги спектаклларда давр руҳига кириш ижодкор учун қийин кечмайди. Бироқ бу жиҳат замонавий драмаларда рол ижро этиш учун изланиш шарт эмас, деган хулосага асос бўлолмайди. Аксинча, бундай асарлар ижодий жамо-



ага катта масъулият юклайди. Агар саҳнада ҳаққонийликка, туйғулар самимийлигига эришилмаса, томошабин спектаклга бефарқ бўлиши мумкин.

Санъаткор учун асосийси мезон — эл назари. Бу йил "Ўзбектеатр" бирлашмаси ташаббуси билан уюштирилган вилоятлардаги учрашувларда қатнашиб, бунга яна бир бор амин бўлдим. Санъаткор учун ҳам, меҳнаткашлар учун ҳам бундай учрашувларнинг аҳамияти катта. Халқ турмушидан, дарду ташвишидан йироқ юриб, томошабинбоп саҳна асари яратиш мушкул. Шу туфайли ҳам театримиз актёрлари иштирокида ижодий учрашувлар уюштириш анъанага айланган. Мисол учун яқинда бир гуруҳ санъаткорлар биргаликда дала меҳнаткашлари билан ижодий мулоқотда бўлдик. Тан олиш керак, халқимиз ниҳоятда санъатсевар. Ҳар бир ижодий чиқишимизни олқиш ва мақтовлар билан қарши олишди.

Сафарда бўлиб мамлакатимизни истиқлол шодиёналарининг шукуҳи ҳали тарк этмаганига гувоҳ бўлдик. Юртимиз мустақилликка эришганига йигирма бир йил тўлганини ҳисобга олсак, олдимизда ҳали катта вазифалар бор. Айни пайтда театримизда ижодий жараён қизғин. Октябр ойида ўтказилиши режалаштирилган халқаро фестивалга тайёргарлик кўриш билан бирга янги спектакллар устида ҳам иш бошланган. Навбатдаги мавсумда ҳам қизиқарли мавзудаги спектаклларни мухлисларга тақдим этиш ниятидамиз.

**Меҳриддин РАҲМАТОВ,**
**Ўзбекистонда хизмат**
**кўрсатган артист**

# СЎЗ АЙТИШ МАСЪУЛИЯТИ

Бошланиши биринчи саҳифада.

Саҳнага дастлаб Андижондан келган иштирокчилар чиқди. Бадиий ўқиш бўйича қатнашган О.Раҳмонова мутахассислар ва мухлисларда яхши таассурот қолдирди. Навоийдан келган М.Раҳимова саҳна суханданлиги бўйича маҳоратини икки тилда (ўзбек ва рус) намоён этди. Наманганлик Ш.Рустамалиева талаффузи, нутқининг равонлиги, навоийлик М.Ражабов, сирдарёлик Қ.Рустамов актёрлик маҳорати билан, қорақалпоғистонлик А.Эшназаров, самарқандлик Ҳ.Илҳомжонова саҳна маданияти билан томошабинлар олқишига сазовор бўлди.

Албатта, барча иштирокчиларнинг ижро савияси ҳақида бирдек ижобий фикр айтиб бўлмаса-да, аксарият ижрочилар тадбирга ниҳоятда масъулият билан ёндашганларини, ўзбек адабий тили меъёрларига риоя қилган ҳолда сўзлаганларини алоҳида таъкидлаш зарур. Бу борада кўрик-танлов ҳакамлар ҳайъати раиси, таниқли сухандон Насиба Иброҳимованинг фикри билан қизиқдик.

— Шундай тадбирнинг ўтказилаётгани жуда қувонарли ҳол, — дейди у. — Ҳозиргача кўпчиликнинг олдида сўз айтувчиларнинг танлови бўлмаганди. Ваҳоланки, иккита одамнинг олдига чиқиб гапиришнинг ўзи бўлмайди, бундай иқтидор ҳаммага ҳам берилавермайди. Айнан бадиий ўқиш, сухандонлик ва конферансьеликка алоҳида ўқитилмайди. Тўғри, санъат ва маданият ўқув юртларида нутқ маданияти, саҳна нутқи фанлари ўқитилади, лекин соҳа мутахассиси сифатида тайёрланмайди.

Эҳтимол шунинг учун ҳам даврага чиққан одам борки, унга "сўз устаси", "сухандон" деб таъриф бериш урфга айланди. Аслида сўз устаси бўлиш у қадар осон иш эмас. Бу жанрда шу кунгача марҳум санъаткор Муҳсин Ҳамидовнинг олдига тушадиганлар бўлмаган. Конферансьеликда Ғулом Тожиаълоев, Муҳаббат Мусаева ва Ўткир Сиддиқов фаолияти ҳаммага ўрнак бўлиб келяпти. Бизда азалдан аския, қизиқчилик ривожланиб келган. Ана шу соҳаларда фаолият олиб борган кишиларни ҳақиқий "сўз усталари" деса бўлади. Аксарият шоир ва ёзувчиларда сўзга моҳирлик, гапни гапга шунчаки эмас, мантиқий боғлаб гапириш кучли бўлади, шунингдек, улар ўз фикрларини қоғозга қарамай туриб изчил етказа оладилар.



Афсуски, бугун шу соҳада шуғулланаётганлар ўзларини сўз устаси деб ҳисоблашадию, лекин қоғозга қараб гапиришади. Бошқа турдаги "сўз усталари" эса фақат тўйларни олиб боришга ихтисослашиб олишган... Кўрик-танлов бу борадаги чалкашликларни бартараф этишда муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз. Танлов иштирокчиларидан айримларининг тилга, талаффузга, саҳна, либос маданиятига муносабати бу борада жиддий изланишлар зарурлигини кўрсатди.

Кўрик-танлов якунида барча қатнашчилар иштирокида ўтган давра суҳбатида ҳам зарур таклиф ва мулоҳазалар ўртага ташланди. Хусусан, ижрочилар либос ва соч, безаклар мутаносиблигига, саҳнада ўзини тутиш маданиятига, сўзларга урғуни тўғри қўйишга, ҳарфларни донадона, аниқ талаффуз қилишга эътибор беришлари зарурлиги таъкидланди. Суҳбатда таниқли санъаткорлар, ҳайъат аъзолари Насиба Иброҳимова, Ёқуб Аҳмедов, Афзал Рафиқов, сухандон Дилдора Рустамова, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, республика Халқ ижоди маркази масъул ходимлари, мутахассислар иштирок этди.

Ҳайъат хулосасига кўра Бадиий ўқиш йўналиши бўйича биринчи ўрин Навоий вилоятидан Маъруфжон Ражабов, иккинчи ўрин Самарқанд вилоятидан Ҳулкар Илҳомжонова, учинчи ўрин Андижон вилоятидан Ойжамол Раҳмоновага берилди.

Саҳна суханданлиги йўналиши бўйича биринчи ўринни Наманган вилоятидан Шаҳноза Рустамалиева, иккинчи ўринни Навоий вилоятидан Машҳура Раҳимова, учинчи ўринни Жиззах вилоятидан Беҳзод Жўраев эгаллади.

Конферансье йўналиши бўйича биринчи ўрин Қорақалпоғистон Республикаси Кегайли туманидан Амир Эшназаров ва Шаҳзода Рамбергеневага, иккинчи ўрин Сирдарё вилоятидан Мурод Жуманов ва Қандиёр Рустамовга, учинчи ўрин Бухоро вилоятидан Салоҳиддин Файзиев ва Шерзод Аҳмедовга насиб этди.

"Ўзбектеатр" ижодий ишлаб чиқариш бирлашмасининг махсус дипломи ва совғаси Тошкент шаҳридан Комилжон Сафаровга топширилди.

"Катта саҳнадаги илк дебют" номинацияси бўйича Тошкент вилоятидан Ибодулла Исмияминов, "Актёрлик маҳорати учун" Тошкент шаҳридан Равшан Жўраев ва "Серқирра ижодкор" номинацияси бўйича Сурхондарё вилоятидан Ойдин Жўрабоева мукофотланди.

Кўрик-танловнинг фаол иштирокчилари таъсисчиларнинг фахрий ёрлиқлари ҳамда ҳомий ташкилотларнинг эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**Г.УМАРОВА**

# СИР СОҲИЛИ СЎЛИМ-СЎЛИМ...

Бошланиши биринчи саҳифада.

Абдурашид Шодмонов бошчилигидаги "Тоғли бургут ўлкаси" фермер хўжалиги миришкорлари буғдой ҳосилдорлигини 58 центнерга етказишибди. Етиштирилган ғалланинг 80 тоннаси давлат омборларига жўнатилиб, 56 тоннаси ўзларига қолибди. Ҳар бир аъзога 2,5 тоннадан буғдой улашилибди. "Янгилик"чилар сардори Муртазоқул Қудратовнинг айтишича, ўтган йили саккизта фермерга "Нексия" автомашинаси берилган экан. Бу йил уларнинг сони анча ортар эмиш. Бу йил "Нексия"ли бўладиган номзодлар ичида Абдурашид Шодмонов ҳам борлигини эшитиб, хурсанд бўлдик.

Гап гапга уланиб, Бахтиёр Жониқулов билан эски танишлигимиз маълум бўлиб қолди. "Меҳнат одамларни бирлаштиради, дўст-қадрдон, қуда-анда қилади,— дейди у киши Сирдарё бўйларида кечаётган умр йўлларига назар ташлагандай бўлиб.— Бу жойлар неча-неча авлодларга Ватан бўлиб қолди, фарзандлар, набиралар шу ерда вояга етди. Истиқлол шарофати билан ёшлар учун авваллари ҳеч бўлмаган имкониятлар яратилди. Шаҳару шаҳарчалар пайдо бўлди. Бундоқ ўйласам, қийинчиликни хўб кўрдик, аммо ортга қайтмадик. Сирдарё водий ҳам, воҳа ҳам эмас, ўзига яраша инжиқ табиати, оғир синовлари бор. Мана энди, маҳалла бўлиб, бир тану бир жон бўлиб умргузаронлик қилмоқдамиз. Эҳ, буларнинг ҳаммасини қўлингга қалам олиб, қоғозга туширгинг келади. Ахир, набиралар, уларнинг фарзандлари билиб қўйишлари керак-ку бу ерда нималар бўлганини. Бир туп дарахтни кўкартиришни айтинг...".

Вилоятда иқтисодиётнинг бошқа соҳаларида ҳам ўсиш суръатлари кузатилаётир. Кичик бизнеснинг вилоят ялпи ички маҳсулоти ҳажмидаги улуши 63 фоизни ташкил этганини ижобий баҳолаш мумкин. Боёвут, Гулистон, Ховос ва Мирзаобод туманларида 320 та замонавий уй-жойлар қурилмоқда. "Гулистон барака уни садаф" масъулияти чекланган жамияти тадбиркорлари кредит ҳисобига қурилиш моллари ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. "Асака"ва "Қишлоққурилишбанк"нинг вилоят филиаллари иқтисодиётнинг реал секторида аниқ ва пухта режа асосида фаолият юритаётган хусусий тадбиркорларни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга алоҳида аҳамият бермоқда. Бунинг натижасида кўплаб янги иш ўринлари пайдо бўлаётир. Бугун вилоятда мавжуд 4 та академик лицей ва 48 та касб-ҳунар коллежида турли йўналишлар бўйича 71 минг нафар ўқувчи таълим олмоқда. Боёвут агросаноат ва Мирзаобод гидромелиорация касб-ҳунар коллежларида механизаторлар, сувчи-мироблар курслари очилган. Бу касблар чўл шароитида ўта муҳимлигини айтиб ўтишга ҳожат бўлмаса керак.

Сирдарёлик ёшларнинг кейинги йилларда илм-фан, санъат, маданият ва спорт соҳаларида эришаётган ютуқлари ҳам таҳсинга сазовор. "Ўзбекистон санъати ва маданияти" форуми жамғармаси ва "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан ўтказилаётган турли танловларда сирдарёлик йигит-қизлар тобора фаол иштирок этишмоқда. Гулистон давлат университети ва бошқа олий ўқув юртларининг талабалари Шоҳруҳ Шарипов, Бобур Абдухалилов, Маликабону Нарзуллаева, Одил Аҳмедов, Мурoджон Бобожонов, Сабоҳат Мустафоқулова ва кўплаб бошқа ёшларнинг турли лойиҳа ва ишланмалари мутахассислар томонидан юқори баҳоланган.

Бир мақолада вилоятда амалга оширилаётган жамики бунёдкорлик ишларини акс эттириш мушкул иш. Муҳими, бу ерда меҳнат ва ижод, ўқиш ва ўрганиш уйғунлиги, келажак авлодларга озод ва обод Ватан қолдиришдек улуғ ният кексаю ёшга бирдек ҳамроҳ. Шу жойга келганда сирдарёликларнинг жасоратли меҳнати, фидойилигини бир умр куйлаб ўтган ноёб сўз соҳиблари Тўра Сулаймон ва Анвар Эшоновни, устоз муҳаррир Исмоил Сулаймоновни, вилоят журналистларига кўп йиллар бош бўлган Жўра Умарқуловни, куюнчак, журъатли ҳамкасбимиз Мухторали Носировни эслаймиз. Ижод қаламини ҳамон қўлдан қўймаётган чўлқувар Яйра Саъдуллаевага, пойтахтдаги ҳузур-ҳаловатдан воз кечиб, тақдирини Мирзачўл билан боғлаган журналист ҳамкасбимиз Улфат Мирзаҳошимовага ҳавасимиз келади. Улфатнинг қизи Чаросбегим бугун тележурналист, "Онам Мирзачўлга сингиб кетди, шаҳарда узоқ тура олмайди, далани, қуёш нурида бўй чўзаётган ғўзаларини соғиниб қолади. Биз шу табаррук заминда туғилдик", дейди фахр билан. Устозлар бошлаган ишни бугун Ойниса Ортиқбоева, Жумабой Қосимов, Элмурод Мавлонов, Холида Пардабоева ва бошқа ижодкорлар давом эттиришмоқда.

Сирдарё соҳиллари бу ерга яхши ният билан келган ҳар кишини қайноқ бағрига олади, меҳр-оқибат кўрсатади ва... қўйиб юбормайди. Шоир ҳамроҳимиз куйлаганидек:

**Заҳмат чексанг, заҳматларинг дурга айланар,**
**Меҳнат қилсанг, бир дона дон юзга айланар,**
**Қучоғингга файз келтирар ҳар тонг, ҳар саҳар —**
**Арслонларга маскан, она-шерсан, Сирдарё,**
**Тангрим ризқин бутун берган элсан, Сирдарё!**

**Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ,**
**Абдусаид КЎЧИМОВ,**
**Муҳаммад ИСМОИЛ**

# "ДОНИШМАНДЛАРДАН БИРИ..."

Санаторийдаман. Бу курорту санаторий деганлари зерикарли жой, азизлар. Хусусан, ёшинг ўтиброқ қолиб, диққинафасликни ёзишнинг бирдан-бир чораси сифатида кафтдеккина радиога кунинг қолган бўлса, жуда билинаркан. Ҳали у қулоғини бурайсан радиони, ҳали бу қулоғини. "Ўзбекистон", "Машъал", "Пойтахт" каналларига тушиб қолсангизу хўбу-хўб. Лекин эндиликда радиоэфир деганлари ҳам бисёр.

Мана, кеча шом маҳалида яна радиога қулоқ тутдим. Беш-олти сония жингалак-жингалак бир куй нағма қилиб тиндию хушторига дилдорлик қилаётган дўндиқнинг ғамзали оҳангида сухандон қиз тингловчиларни эркалаб-аллалаб, "дастури"ни бошлаб юборди.

Қизгина тушмагур малоҳатли овозидан ташқари, хийла билимдон ҳамми дейман, бир маҳал "Донишмандлардан бири умид ва яхши кунга ишонч – бахт, ноумидлик эса бахтсизликдир", деб айтган эди, шундай экан, келинг, азизлар..." дея ҳаммамизни некбин бўлишга чорлади. Битта дилрабо қўшиқ эшитиш эса бунинг энг ажойиб воситаси экан.

Ашулани эшитяпману "Қайси донишманд шунақа деб айтувди", деб ўйлайман: Ғарб философими ё ўзимизнинг Шарқ алломаларидан бўлсамикин, Пифагор, Тагор... эҳтимол Сукрот ё Афлотундир. Ўйлаб-ўйлаб, ожизлигимга иқрор бўлдим. Донишманд деганлари ҳам кўп ўтган-да бу дунёда!

**Луқма**

Бу орада яна икки-уч қўшиқни тақдим этиб, бир коллеж ўқитувчиси билан силлиққина суҳбатлашгач, бошловчи қиз "дастур ўз ниҳоясига етгани"ни таассуф билан эълон қилди, эртага шу маҳал эфир тўлқинларида биз билан яна учрашишга ваъда берди, навбатни яна бир дастур бошловчи бўлмиш дугонаси фалончига ошираркан, бошқа каналга ўтиб кетмаслигимизни ўтинди ва студияни энг сўнгги дилбар тарона садолари остида рақсга туша-туша тарк этажагини билдирди. Негаки... "бир донишманд "ҳар бир хайрлашув эртанги дийдор кўришишнинг дебочаси", деб айтган экан.

Рақсбоп мусиқа ҳам ўтиб, ваъда қилинган янги бошловчи қиз "Авваламбор, ассалому алайкум дейман, азизлар" дея эфирга кириб келди. Ашула-пашула қўйиб оҳанжама қилиб ўтирмай, дарҳол "Бир донишманднинг айтишича, қалби тоза инсонлар соғлом ва ақлли бўлишади", дея, сиҳат-саломатлик ҳақида лутф қилишга тушди.

Билсак, соғ бўлишда гап кўп экан, унга эса, бир талай омиллар қатори, яхши куй-қўшиқ тинглаш ҳам сабаб бўларкан. Чунки, донишмандлардан бири "куй ва ашула – инсон қалбининг энг ажойиб таржимонидир, ҳеч нарса кўнгил кечинмаларини мусиқа ва ашула сингари теран англатишга қодир эмас", деб лутф қилган экан.

Садағаси кетай бу донишмандларнинг! Ғарчча мойдай ҳикматларини қаранг! Ҳар қандай мавзуда шпаргалкадай тап-тайёр гаплари бор. Диктор-сухандон-бошловчи "Дунёдаги энг катта санъат – аёлни тушуниш", деган эди бир донишманд", дейди-да, аёл ва севгига оид исталган қўшиққа навбат бераверади. Фақат бир хижолатлик томони – замоннинг тезкорлигидан бўлсамикин, худди Аргентина ва Мексика сериалларининг қаҳрамонлари сингари бу радиобошловчиларнинг хотираси чатоқ: донишмандлар нима деганини сўзма-сўз ёд билганлари ҳолда, эсларига уларнинг номи кела қолмайди! Ноилож, худди "номаълум аскар" деганлари каби мавҳум қилиб "донишмандлардан бири" деб, ёки бу авранинг астар томонидан тутиб, "бир донишманд" деб қутулишга тўғри келади.

Хўш, нега булар шунча панду ҳикматни жуда муфассал, ғирт адабий шаклда қайта тиклаганлари ҳолда, мунақа ажойиб гапларни ким айтганини эслашга келганда... хотиралари "ўчиб" қолади? Ғалатироқ, а!

Ҳозир эса бир талай газеталарда, журналларда ва ҳатто китобларда ҳам муаллифи "бир донишманд" деб кўрсатиладиган, аслида донишу ҳикматдан кўп йироқ, чучмал парчалар иқтибос сифатида қўштирноққа олиб тақдим этилаверадиган бўлиб қолди.

...Шу гапларни қоғозга тушириб ўтирар эканман, "Ёшлар" радиоканалида шакаргуфторлик қилаётган қизгина "Бир дононинг айтишича, кимки ўзига ишонса, у кўп нарсага лаёқатли бўлиб чиқади", дея янги ҳикматни армуғон этди. Маладес, дедим. Аммо кўп нарсага лаёқатли, ўзига ишончи зўр бу қизга ҳам хотираси қурғур панд берди – икки пулга қиммат шундоқ ажойиб ҳикматни қайси "доно" айтганини эслай олмагани сабабли, "узумини енгу боғини сўраманг" қабилида иш тутди. Эвоҳ, дедим, ҳар кимнинг чўнтагидан тушиб қолган жўн, доноликдан нарироқдаги гапни минг ўраб-чирмаб, нақ "донишмандларнинг пири айтган", деб қасам ичсангиз ҳам жумланинг маъноси теранлашиб қолмас экан.

Санаторий йўлланмасининг муддати ҳам тугай деб қолди. Дам олганга нима етсин, зеҳнинг ўткирлашиб, ақлинг ҳам тиниқлашиб кетар экан. Шунданми, дейман (биров эшитмаяптими?), каминанинг калласида бир фикр ўралашиб юрибди. Ҳозир нима кўп, радиоканал кўп. Ҳар бир каналда ҳар ярим соат-бир соатда янги бир бошловчи эфирга чиқиб келиб, уч-тўртта "бир дононинг айтишича" билан "дастур"ини безайди. Уёқда десангиз, газета-журнал каби нашрлар ҳам бисёр. Демак, ана шунақа "бир донишманд" айтган гапларга эҳтиёж ошгандан-ошадики, камаймайди. Шунга, дейман, бир устахона очсам, ана шунақа ялтир-юлтир гапларни патиллатиб ёзиб, дастур ижодкорларига пуллай берсам. Бир ёқдан, улар шунақа гапларни ўйлаб топиш ташвишидан қутулади, қолаверса, биз ҳам бирон нималик бўпқолармиз. Албатта, янгилари қимматроқ кетади, ишлатилиб сийқа бўлган, қуйқа бўлганларини эса арзон бериб юбораман. Қалай?

Нима, "маъноли, рисоладагидай гапни ёзиш кўпам қийинмас, аммо маза-матраси йўқ, шалдир-шулдир жумла тўқиш эса ҳар кимнинг қўлидан келавермайди, минг уринсангиз ҳам унақасини ёзиш мушкул-ку?", деб сўраяпсизми? Йўқ, биродар, сиз ҳам менга ўхшаб бир ҳафта-ўн кун камида йигирматадан "дастур" тинглаб, "донишмандлардан бири" айтган ғалати-ғалати гапларни уқа берсангиз, сал ўтмай, ўзингиз ҳам бинойидай "донолар сўзи" ёзворадиган бўлиб қоласиз-да, ҳали олдимга ҳам келасиз, "Ака, мени ўзингизга зам қилиб хусусий корхонангизга ишга олсангиз", деб.

**Зуҳриддин ИСОМИДДИНОВ**

# "МЕЦЕНАТ — РАССОМЛАР"

Ўзбекистон Бадиий академияси ва Камолиддин Беҳзод мемориал боғ-музейи ҳамкорлигида Ўзбекистон халқ рассоми, "Буюк хизматлари учун" ордени соҳиби академик Малик Набиевнинг ижодига бағишланган "Меценат-рассомлар" кўргазмаси очилди.

Устоз рассомнинг "Беруний", "Бибихоним", "Рассом Шарифжонова" портретлари, "Амир Темурнинг Тўхтамишхон устидан ғалабаси", каби картиналари, 1994 йили яратилган "Соҳибқирон Амир Темур" портрети томошабинлар томонидан кенг эътироф этилган.

Экспозициядан рассомнинг Ҳиндистон, Куба ва бошқа мамлакатлардан олган таассуротлари асосида яратган этюд картиналари ҳам ўрин олган.

**Феруза БОБОЕВА**

# "ТЎРТ ЭГИЗАК"

А.Мажидий номидаги Каттақўрғон шаҳар театрида болгар драматурги Панчо Панчевнинг "Тўрт эгизак" песаси саҳналаштирилди.

**Янги томоша**

— Асардаги ёшларимиз, айниқса ўсмирларни элга, ота-она ва дўстларга, меҳнатга муҳаббат руҳида тарбиялаш, ростгўйлик, ҳалолликка даъват этиш ғоялари ҳамон ўз долзарблигини йўқотгани йўқ, — дейди театр бадиий раҳбари Отабек Мардонов. — Спектаклни тажрибали санъаткор Низом Қодиров саҳнага қўйди.

Асосий ролларни Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Даврон Қодиров, тажрибали актёрлар Қундуз Ўсарова, Сайёра Отақулова, театр қошидаги "Қалдирғоч" болалар студияси қатнашчиларидан Маманиёз Рўзиев, Моҳигул Шерова ва бошқалар ижро этмоқда. Асардаги воқеалар руҳига мос саҳна безаклари театр рассоми Зокир Қобилов мўйқаламига мансуб.

**Мэлс ТОШЕВ, Абдуазиз ҲОШИМОВ**


# ЭЪЛОН

**Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тизимдаги республика театрларига профессионал театр гримлари олиш учун савдо танловлари ўтказилишини эълон қилади.**

**Олинадиган театр жиҳозлари:**

1."Прессованный аквагрим" профессионал театр грими, 24 рангли (палитра). "Прессованный аквагрим" профессионал театр грими Professional Theater Face& Body Art серияли нам ҳолатда эрийдиган табиий сув-глицерин асосида тайёрланган. Индивидуал макияж учун театр ва эстрада саҳнасида тасвирга олиш талабларига жавоб беради. Спонж ва муйқалам билан суриладиган, сув ва совун билан ювиладиган, ҳимоя ва суриладиган хусусиятга эга. Барча турдаги терилар учун. Қўлланиши: юз-тана.

2."Румяна" профессионал театр грими, 20 рангли (палитра). "Румяна" профессионал қуруқ театр грими табиий асосли, Professional Theater Face& Body Art серияли. Индивидуал макияж учун театр ва эстрада саҳнасида тасвирга олиш талабларига жавоб беради. Спонж ва мўйқалам билан суриладиган, сув ва совун билан ювиладиган, ҳимоя ва суриладиган хусусиятга эга. Барча турдаги терилар учун. Қўлланиши: юз-тана.

Савдода танлов талабларига жавоб берадиган юридик шахслар иштирок этиши мумкин.

**Қўшимча маълумотларни ишчи гуруҳидан белгиланган тартибда олиш мумкин.**

**Танлов матбуотда эълон қилинган кундан бошлаб беш кун муддатда амалда бўлади.**


Ўзбекистон давлат Санъат ва маданият институти жамоаси «Тиллар ва адабиёт» кафедраси катта ўқитувчиси **Абдулла АЛИМОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон давлат Санъат ва маданият институти жамоаси «Саҳна нутқи» кафедраси катта ўқитувчиси Анвар Қурбоновга падари бузруквори **ҚОЗОҚБОЙ ота**нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

# ЎСМИРНИНГ НОНУШТАСИ
## қандай бўлиши керак?

Соғлиқни сақлаш ташкилотлари ўтказган тадқиқотларга кўра, мактаб ўқувчиларида учрайдиган хасталиклар орасида таом ҳазм бўлиш аъзолари касаллиги иккинчи ўринда тураркан. Россия соғлиқни сақлаш вазирлиги маълумотига биноан, биринчи синфга қадам қўйган ўқувчилардан 30-35 фоизининг саломатлигида ноқислик мавжуд. Мактабни битираётганда бундай ўқувчилар салмоғи 70 фоизга етади. Ўсмирлар орасида юрак-қон томир хасталиги белгилари кўпаяётгани ҳам шифокорларни ташвишлантирмоқда.

Мутахассисларнинг гувоҳлик беришича, бундай ҳолларга кўпинча семизликка олиб келувчи таомларга ружу қўйиш сабаб бўларкан. Бу эса, ўсмирларнинг кейинги ҳаётида тизимли касалликларнинг ривожланиш хавфини оширади. Шифокорлар тахминига кўра, 2050 йилга бориб, эллик ёшга етган ҳар иккита россияликнинг бири остеопороздан азият чекиши мумкин. Бунга ҳозир мактаб ўқувчилари тановул қилаётган таомларда кальций ва D витамини етишмаслиги сабаб бўлади.

Россия тиббиёт фанлари академияси ҳисоб-китобига кўра, ҳозир мактаб ўқувчиларининг 45 фоизи истеъмол қилаётган неъматлар таркибида кальций етишмайди. Кўплаб ўқувчилар таркибида кальций мавжуд бўлган творог, пишлоқ ва сут ўрнига фастфуд ва газланган ичимликларни хуш кўраётган экан.

— Катта ёшдагилар ҳам, болалар ҳам 90-йиллардаги ахборот хуружларининг асирига айланиб алдандилар, — дейди болалар шифокори Е.Булатова. — Бизнинг ички бозоримизга ёпирилиб кирган газланган ширин ичимликларни тинимсиз тарғиб этаётган ахборот воситаларининг ҳам бу борада "жавлон ураётгани" сир эмас. Шўро даври парҳезшунослари ҳам болалар учун сут, умуман, зарур эмас, деб эълон қилишгача бориб етганди. Ахир, бу бориб турган кўзбўямачилик-ку! Сут енгил ҳазм бўладиган ҳайвонот оқсилининг ноёб табиий манбаи сифатида болалар соғлиғи учун сув билан ҳаводек зарур. Бироқ сўнгги ўн беш йил мобайнида Россияда сут истеъмол қилиш 10 баробар камайиб кетди. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, мактаб ёшидаги болаларнинг учдан бир қисми бугун сутни ҳафтасига бир марта ёки ундан ҳам кам истеъмол қилади. Бу жуда нохуш кўрсаткич.

**Соғлиғинг — бойлигинг...**

Швеция ва Финландия ўтган асрнинг 70-йилларида шундай муаммога дуч келганди. Юрак қон-томир хасталиклари салмоғи ошиши ва барвақт ўлим ҳоллари кўпайиши бўйича статистик маълумотлар Скандинавия мамлакатларида давлат дастурларини тубдан қайта кўриб чиқишни тақозо этди. Шу муносабат билан Швецияда ўқувчилар дастурхонига қовурилган таомлар қўйиш ман этилиб, ўрнига буғда пиширилган сабзавотлар тавсия этилди. Сут сероб бўлган Финландияда эса, ўқувчиларнинг нонуштаси, тушлиги ва кечки овқати пайтида бир стакандан сут ичиш одатга айлантирилиб, саломатликка хавф солмайдиган табиий ва сара таомлар тарғиботи кучайтирилди.

Ишлаб чиқарувчилар бундан тез хулоса чиқариб, ёғдорлиги камайтирилган сут, йогурт, творог ва фойдали бактерияли қатиқ маҳсулотлари тайёрлай бошладилар. Бу тадбир тезда самарасини кўрсатди: ўқувчиларда вазн муаммоси барҳам топди. Фин болаларининг янги авлоди жисмоний жиҳатдан соғлом бўлиб вояга ета бошладилар. Уларнинг бўйи ота-оналарига қараганда баланд бўлиб, финларнинг ўртача умри ҳам сезиларли даражада ошди.

— Тадқиқотларнинг кўрсатишича, организм учун озиқли қўшимчалардан эмас, балки сут-қатиқ маҳсулотларидан олинадиган кальцийнинг самараси катта. Нега? Гап сут таркибидаги протеинда, — дея бу ҳолни изоҳлайди тиббиёт фанлари номзоди Т.Пилви.

Гўдакликдан қартайгунга қадар сут истеъмол қиладиган финлар бу неъматнинг афзаллигини яхши билишади. Сўнгги пайтда олимлар организмда D дармондориси етишмаслиги нафақат умумевропа муаммосига айланган остеопорозга, айни чоғда, бошқа хасталикларга ҳам олиб келади, деган хулосага боришди. Маълум бўлишича, бу витамин фақат суяклар ҳолатига масъул генларнинг ўзига эмас, организмнинг барча тизимларини мувофиқлаштириб турувчи минглаб бошқа генларга ҳам таъсир кўрсатар экан. D дармондориси организмда қуёш таъсирида ҳосил бўлади. Шунинг учун ҳам офтоб нури етишмайдиган шимол ўлкаларида сут маҳсулотлари мазкур витамин билан бойитилади, чунки сутдаги кальций айнан D дармондориси билан организмга яхши сингади.

Шуни ҳам унутмаслик кераккки, болаларнинг ошқозон яраси ва қабзият билан оғриши мактаб ошхонасидан эмас, кўп ҳолларда, уларнинг туғилган уйида бошланади.

— Ўқувчиларнинг 60 фоизи мактабга нонушта қилмай келади, — дейди профессор В.Кучма. — Ваҳоланки, улар беш соатдан ортиқ овқат истеъмол қилмай юрмаслиги керак, негаки, олтинчи соатга бориб меъда овқат келиб тушмаса ҳам, сафро чиқара бошлайди. Бу тўғридан-тўғри таом ҳазм бўладиган аъзоларнинг касалланишига олиб келади. Ҳолбуки, ўсмирлар мактабда 6-8 соатлаб машғул бўлишади.

Олимларнинг гувоҳлик беришича, ўсиб келаётган бола организми учун ниҳоятда зарур бўлган сут ва сут маҳсулотларининг фойдаси шундаки, айнан кальций уларда фосфор билан идеал нисбатда бўлар экан. Бироқ сут қайнаганда ундаги аминокислоталар парчаланади, шу сабабли ишончли ва тажрибадан ўтган ишлаб чиқарувчи томонидан пастеризация ёки ултра пастеризация қилинган сутларни ичиш мақсадга мувофиқ.

Болалик пайтида модда алмашинуви бузилса, уни тиклаш жуда қийин. Фин олимлари сутдаги асосий оқсиллардан бири бўлган альфа-лактальбумин вазнни камайтиришга сезиларли таъсир кўрсатишини аниқлашди. Ота-оналар болаларини гўдаклигидан тўғри овқатланишга одатлантириб бориши керак. Оила дастурхонида, албатта, дармондорилар, бифидобактериялар билан бойитилган сут маҳсулотлари бўлиши лозим. Ҳар куни 500 мл.дан кам бўлмаган миқдорда сут ва сут-қатиқ маҳсулотлари истеъмол қилиш бола организмида иммунитетнинг тўғри ривожланишига ёрдам беради. Болалар организми гўшт, тухум, балиқ, денгиз неъматлари, дуккаклилар, шунингдек, сут, творог ва пишлоқдан ўсишни таъминлайдиган лизин, триптофан ва гистидин каби муҳим аминокислоталарни олади. Мактаб ўқувчиси таомларидаги оқсилларнинг 60 фоизи ҳайвонот оқсили бўлиши шарт.

- 1 стакан сут кунлик кальций меъёрининг 1/3 қисмига тенг.
- 100 грамм пишлоқ бир кунлик кальций ва фосфор меъёрига тенг.
- 3 бўлак буғдой нон кальцийнинг 1/2, фосфорнинг эса 30 фоиз кунлик меъёрига тенг.

***"АиФ"нинг 35-сонидан.***


МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

* * *

ҲОМИЙ: "МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ" АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

Манзилимиз: Тошкент — 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 233-52-91 Электрон манзилимиз:
Котибият — 233-49-93 uzas@b2c.uz
*Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 236-56-50 Санъат бўлими: 236-56-48*
*Ижтимоий ҳаёт бўлими: 236-57-42 Назм ва наср бўлими: 236-58-55*

Бош муҳаррир Саъдулла ҲАКИМ

*Таҳририятга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.*

Масъул котиб – Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи муҳаррир — Гулчеҳра УМАРОВА
Саҳифаловчи — Элёр МАҲМУДОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Босмахона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41 уй
Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 20.18

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 13.06.2007 йил 0283-рақам билан рўйхатга олинган. Адади — 4863 Буюртма Г — 944. Ҳажми — 3 босма табоқ А-2. Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 5

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.

СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН

ISSN 2181-614X